**Насриддин**
**Лақай**

# ОНАЖОНИМ ЛАҚАЙИМ

Тошкент - 2008

*Ушбу назмий тўпламда элнинг орзу – умид ва армонлари фалсафий мушоҳада асосида қаламга олиниб, шеърият ихлосмандларига тақдим этилмоқда.*

## *ОНАЖОНИМ ЛАҚАЙИМ*

Туркий қавмлар ичра салобатли чинорсан.
Томирларинг терандир, ҳам сергак, ҳам бедорсан.
Йўлдошинг ҳақ, йўлинг оқ, ҳам мангу беғуборсан.
Туну-кун бошимдасан меҳрибоним Лақайим.
Ҳам қиблагоҳ, ҳам опа, онажоним Лақайим!

Тарихларнинг қаърида маюс юзингни кўрдим.
Душманга тик тикилган ботир кўзингни кўрдим.
Ўзлигинг кўз-кўз қилган дадил сўзингни кўрдим.
Жонини қалқон қилган қаҳрамоним Лақайим.
Ҳам отамсан, ҳам акам, онажоним Лақайим!

Сен борсан давраларда бошим доим баланддир.
Дилдан айтган ҳар сўзинг – менга насиҳат-панддир.
Юртим дея курашдинг, демак, эл сарбаланддир.
Маҳшар куни эъзозда, пок имоним Лақайим.
Сен қиблагоҳ, сен укам, онажоним Лақайим!

Олис сарҳадлар бўйлаб сенга мақтов ёғилди.
Ботир эл фарзанди деб, менга қутлов ёғилди.
Олқишлардан кўнглимга илҳом лов-лов ёғилди.
Илҳомим сарчашмаси – соф достоним Лақайим.
Менинг синглим, вужудим, онажоним Лақайим!

Олис қитъалар узра номинг менга мададкор.
Шу буюк ном ичида билмам қандай хислат бор?!
Энг мураккаб дамда ҳам шу ном қўллашга тайёр.
Аждод руҳи мужассам, ҳам қалқоним Лақайим.
Пийри комил, отамсан, онажоним Лақайим!

Ҳаёт қўшиқ айтган пайт - Сендан мадад сўрайман.
Тақдир оғу тутган пайт – Сендан мадад сўрайман.
Ажал келиб кутган пайт – Сендан мадад сўрайман.
Барча кунда мададкор – мард сорбоним Лақайим.
Бобом, момом, отамсан, онажоним Лақайим!

Ушбу бўйу-бастингдан келажагингни кўрдим.
Қайтиб зиё нурини олажагингни кўрдим.
Ботирим деб яна Эл, бўлажагингни кўрдим.
Кечам, бугуним, эртам – бу давроним Лақайим.
Ору, номус, виждоним, онажоним Лақайим!

2007 йил, апрель.

## *ЛАҚАЙ БИТТАДИР*

Дунёда эллару-элатлар кўпдир.
Қавмлар ичра сер савлатлар кўпдир.
Туркий улус ичра миллатлар кўпдир.
Лекин, Лақай деган элат биттадир.

Жаҳонда денгизу-дарёлар ҳам мўл.
Сайроқи булбулу – гўёлар ҳам мўл.
Мусиқий оҳангу алёрлар ҳам мўл.
Лекин, Лақай деган элат биттадир.

Оламни турфа ранг, безаклар босган.
Юлдуз кўплигидан – осмонга осган.
Менинг аъмолимга шундай сўз ёзган:
«Асра, Лақай деган элат биттадир».

Борлиқни кезсанг гар океан бисёр.
Кўзларни олғувчи турфа ранг бисёр.
Қалбимга жо бўлган шундай калом бор:
«Эшит, Лақай деган элат биттадир».

Бош-оёқ юрсанг гар ўрмонлар тўла.
Турфа миллатга хос инсонлар тўла.
Менинг юрагимда армонлар тўла:
«Афсус, Лақай деган элат биттадир»!

2007 йил, май.

## *ҲАБИБУЛЛО СОЛИҲГА*

Дунёда шодлик бор, қайғу-алам бор.
Элни деб, юртни деб, чеккувчи ғам бор.
Гоҳида тантана, гоҳи мотам бор.
Дармонсиз дардларга дармон бўлмадик,
Шу Эл умид қилган инсон бўлмадик.

Элнинг оғалари юлдуз кўзлашган.
Ой билан юзма-юз туриб сўзлашган.
Эл учун жаннатдан макон излашган.
Юлдузни кўзлаган карвон бўлмадик,
Шу Эл умид қилган инсон бўлмадик.

Улуғ davраларда сўзбошчи азиз.
Эл, улус, элатда – элбошчи азиз.
Порлоқ йўл кўзлаган йўлбошчи азиз.
Карвонни бошқарган сарбон бўлмадик,

Шу Эл умид қилган инсон бўлмадик.

Элнинг белидаги қуввати бойлик.
Турмуши, суръати, сийрати бойлик.
Элни – Эл қилгувчи қудрати бойлик.
Елиб - югурдигу бардам бўлмадик,
Шу Эл умид қилган одам бўлмадик.

Оқар дарёнинг ҳам ғайрати гўзал.
Чопар дунёнинг ҳам суръати гўзал.
Минбарда воизнинг журъати гўзал.
Шу сокин оламда шахдам бўлмадик,
Шу Эл умид қилган одам бўлмадик.

Кўкрагин керганлар эл билан буюк.
Эл ичра ардоқли, эл ичра суюк.
Элидан олисда биз бағри куюк.
Элпарвар шу элга ҳамдам бўлмадик,
Шу Эл умид қилган одам бўлмадик!

2007 йил, август.

## *ИЛТИЖО*

**I**

Кел, эй тарих, сўйла ўтмишдан,
Аждодларнинг бору-йўғини.
Элни асра ёмон қилмишдан
Нурли кўрсин эл буёғини.

Эллар аро сўнг ечилсин,

Ечилмаган жумбоқлар.
Сенинг учун савоб бўлсин
Менга бўлсин сабоқлар.

## II

Доно ҳаёт, ўтинаман, сен
Устоз бўлгин мендек нодонга.
Нодонликдан ўкинаман мен
Умрим кетмиш қайси томонга?!

Сен ўзингсан донишманд, олим
Олам аро устоди маъруф.
Дарс бергувчи доно муаллим
Сен эрурсан буюк файласуф.

Бутун борлиқ нурга тўлсин,
Қайнаб оқсин булоқлар.
Сенинг учун савоб бўлсин
Менга бўлсин сабоқлар.

## III

Эй ҳайдовчи, еткиз манзилга,
Беҳиммат шу суҳбатдошингни.
Ҳиммат кўрсат бу ғариб дилга
Ўкситмагин ўз меҳмонингни.

Меҳр кўрсат, мурувват кўрсат,
Ҳурмат билан боқсин ҳаётга.
Кел, дўстгинам бир мадад кўрсат
Эл тарихин излаган зотга.

Ғайратларинг ошсин-тошсин,
Чун тўлқинли қирғоқлар.
Сенинг учун савоб бўлсин
Менга бўлсин сабоқлар.

## IV

Эй йўловчи, меникига қайт,
Бўлгин менинг азиз меҳмоним.
Элим наслу-насабини айт
Токи ором олсин бу жоним.

Лақай деган қандайин элат?
Қайда унинг олис ўтмиши?!
«Босмачилик» бу не ҳаракат?
Тўғримиди элим қилмиши?!

Иброҳимбек – у қандай сиймо?
Доҳиймиди ва ё қаҳрамон?!
Юртим дея юртсизлик аро
Ўзга юртда берганмикин жон?!

Боболарим тортиб азоб,
Бўлиб душман, қулоқлар.
Айтгил, сенга бўлсин савоб
Менга бўлсин сабоқлар.

## V

Сен шуларга жавоб бергин,
Оқил, доно меҳмоним.
Фақат, фақат тўғри дегин
Ором олсин ёш жоним!

Олис боқиб, сўйла-сўйла,
Эл илдизи қаёқда?
Мен шуларни ўйлай-ўйлай,
Ёш бу жоним қийноқда.

Айтгин, кўнглим ором олсин,
Чекинсин дард-қийноқлар.
Сенинг учун савоб бўлсин
Менга бўлсин сабоқлар.

**VI**

Эй буюк эл, бошини сила,
Таҳқирланган камтар элимнинг.
Тарихи «йўқ», тақдири «чала»
Ўтмиши минг дафтар элимнинг.

Шеър эмас бу, дарддир билсанг,
Узоқ назму - баётдан.
Ушбу элга ҳиммат қилсанг,
Ҳиммат қайтар ҳаётдан.

Ҳимматинга жавоб бўлсин,
Жаннат аро гулбоғлар.
Сенинг учун савоб бўлсин
Менга бўлсин сабоқлар.

2000 йил, октябрь.

## *ҚАЛБИМ ҚИЙНАР САВОЛЛАР*

Менинг элим боғбонми, деҳқон?
Тинчимаган номсиз пахтакор.
Қайда бўлса қўриқ ер, ишон –
Ўша ерда лақайларим бор!

Чўлда жаннат қилишиб бунёд,
Куйкенекми ёки Тошробод.
Илон босган кимсасиз даштни
Гулистон деб қилсада обод.

Обод қилиб, кўчини боғлаб,
Йўрғалатиб Лақайи отни.
Қўшниларин кўнглини доғлаб
Излаб кетар оғир ҳаётни.

Сувлар чиқмас қақраган ерга,
Пахта қилса, боғ қилса бунёд.
Ботиб кетиб қоп-қора терга
Яратсада жаннатий ҳаёт.

Нечун элим минбарга чиқмас,
Кўкрагида йўқдир нишони?.
Нечун элим орденли эмас
«Босмачи»дир унинг унвони?

Обод қилса, қилсада бунёд,
Меҳнат қилиб тортмаса сурур.
Кўнгилларни қилгали обод
Қани элда аҳли тафаккур?!

Муракабдир ҳам жумбоқдир,

Ҳаётимнинг ҳар боби.
Хуллас, менда савол кўпдир,
Топилмас ҳеч жавоби.

1998 йил, январь.

## *КАСАЛХОНАДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР*

Яратгувчи умр бергин,
Ҳали кўп йил яшайин.
Дармон бергил, ғайрат бергин
Тўлиб-тўлиб тошайин.

Элнинг юки, юртнинг юки,
Бундай оғир залворли.
Элатимнинг ярим кўнгли
Менинг қалбим зардобли.

Ҳақ дегувчи бағри кабоб,
Мухлис элга шафқат қил.
Элим дея қалби зардоб
Бандангга ҳам раҳмат қил.

Менсиз элнинг гурунгини,
Мадҳини ким куйлайди?!
Ўтмишини, бугунини
Минбарда ким сўйлайди?!

Элатимнинг армонлари,
Олис, яқин ўтмишдир.
Сен сўйлагин, деб шуларни

Тақдиримга битмишдир.

Эл жумбоғин ечиб-ечиб,
Ҳали кўп йил яшайин.
Хизматида сувлар кечиб
Майли қирлар ошайин.

Оллоҳ майли сен дард бергил,
Дард ҳам оғир бўлмасин.
Яна ўзинг мадад бергил,
Эл олимсиз қолмасин.

Шоирсиз эл, олимсиз эл,
Томири мўрт бўлади.
Сояларда очилса ҳам
Қуёш чиққач сўлади.

Мен шу элнинг бир парчаси,
Бирликнинг бир зарраси.
Армонлари, орзулари
Умидларин ҳаммаси.

Элгинамни умидидан,
Жудо қилма, Оллоҳим.
Мўжазгина тор хонадан
Кўкларга етсин оҳим!

Вужудларим бир зирқирар,
Оғриқларнинг дастидан.
Қодир эгам ўзинг асра
Қаттол ўлим қасдидан.

Деразанинг орқасида,
Изғир ажал шарпаси.
Гоҳи урар димоғимга
Хазонли куз нафаси.

Дарахтларнинг япроқлари,
Аста-аста тўкилар.
Кўриб жоним балдоқлари
Битта-битта сўкилар.

Барглар хазон бўлсаямки,
Ҳаёт хазон бўлмасин.
Паймонаси тўлсаямки
Эл умиди ўлмасин.

Эл ўтмиши битилмаган,
Варақларим ҳали кўп.
Ёлғиз юрак қилар исён
Вужудимчи қуруқ чўп.

Эл тарихи дарддир буткул,
Ҳам қувонч, ҳам исёндир.
Мен бўлмасам яна юз йил -
Ёзилиши гумондир.

Шу сабабли шўх ҳаётга,
Кўпдир менда эҳтирос.
Қалби қадоқ шу элимга
Юракда ишқ беқиёс.

Элимда бор орзу-ҳавас,
Ҳам ўтмиш, ҳам келажак.
Тарих билмас эл эл эмас
Билганлар Эл бўлажак.

Элим, дуо қил бир нафас,
Қайта дармон олайин.
Сенинг учун армон эмас
Умид бўлиб қолайин!

2004 йил, сентябрь.

## ЭЛИМ БУЮКЛАРИГА

Тоғ ҳам қанча баланд бўлса,
Чўққи ҳам қор бўлади.
Бошга қанча ташвиш тўлса
Дўппи ҳам тор бўлади.

Чўққи қори қуёш чиқса,
Сойлар аро обшордир.
Чунки, қанча буюк бўлса
Борлиқ шунча хоксордир.

Элнинг, юртнинг ташвишлари,
Улуғларда мужассам.
Орзулари, армонлари
Эл номуси, номи ҳам.

Эл дардига бўлиб малҳам,
Ҳикмат эрур сўзлари.

Лақайимнинг ўтмиши ҳам
Бугуниям ўзлари!

1995 йил, июнь.

## *ОРИФОНА*

Қалбларни забт этган малак ҳам ўзинг,
Қишдан сўнг баҳордан дарак ҳам ўзинг.
Севгини борлиққа қиёс айласам
Замин ҳам, само ҳам, фалак ҳам ўзинг.

* * *

Оламнинг йўғи ҳам бори ҳам ўзинг,
Қалбларнинг чўғи ҳам, қори ҳам ўзинг.
Сенинг ишқинг билан ёнмоқда ошиқ
Унинг йўлдоши ҳам, ёри ҳам ўзинг.

* * *

Сен билан гўзалдир, чексиз коинот,
Сен билан асалдир, бу мўжаз ҳаёт.
Бўлмасанг зулматдир бу золим дунё
Борсанки масалдир, ҳикматдир, баёт.

2000 йил.

## *ХАЙЁМОНА*

Ишқдан узоқ эдим, ичмай майи ноб,
Кундан-кун аҳволим бўларди хароб.
Элимда не учун буюк кам десам
Ё севмас ва ёки ичмаслар шароб.

* * *

Шароб икки жаҳон ичра гулобдир,
Ишқ майин ичмаган – у ҳали хобдир.
Дунё тафаккурин барчаси майдин
Ошиқларни ориф қилган шаробдир.

* * *

Элим, баъзиларнинг қарашлари паст,
Олисларда юриб кузатай бир пас.
Менинг қалбим фақат кенгликларга ёр
Биқиқ базму жамшид мен учун қафас.

* * *

Не қилдим, не дедим – топдим маломат,
Эзгу ишларимни дединг қабоҳат.
Дунёда эзгулик доим харобдир
Элим, йўлгинангни тўсган жаҳолат.

* * *

Савоб умидида ёздик дастурхон,
Элнинг улуғлари эдилар меҳмон.
Шаробдан татмайин бир ишқсиз деди –
Ошиқнинг жаннатга тушиши гумон.

* * *

Сен билган жаннатлар сеники бўлсин,
Ҳар икки оламинг нурларга тўлсин.
Фақат тинч қўй мени, эй дўсти азиз
Орифлар жаннати меники бўлсин!

* * *

Бу борлиқ лаззати пок инсон учун,
Насроний, буддавий, мусулмон учун.
Ошиқ қалби сарҳад билмайди асло
Дунё таъқиқлари оломон учун.

* * *

Қадаҳ тут ёшларнинг замони учун,

Элнинг ушалмаган армони учун.
Ундан ортиб қолса, олисда беҳол
Дармонсиз шоиринг дармони учун.

* * *

Тилак айт, буюклар одати учун,
Юртим йигитларин қомати учун.
Элим деб элидан айри яшовчи
Тўпори лақайнинг омади учун.

* * *

Сипқор, тирикликнинг бир дами учун,
Ёшлик, нодонликнинг алами учун.
Сўнг қолса, Эл дея, элсизлик аро
Маҳкум элатдошинг қалами учун.

2005 йил, декабрь.

## *ТЎРТЛИКЛАР*

Гоҳи бол, гоҳида аччиқлар ютиб,
Ҳаёт паст-баланддан этганда огоҳ.
Яратган эгамга шукрлар айтиб
Руҳинга сиғиндим азиз қиблагоҳ.

2007 йил, апрель.

* * *

Илм деб интилдим фан бозор бўлди,
Йўқ талаб-тартиблар бари бор бўлди.
Ўзгалар учун кенг, равон, катта йўл
Мен юрар чоғимда тиканзор бўлди.

2002 йил, май.

* * *

Ҳаётда ташвишлар қатма-қат, дўстим,

Ғам қисқа умрингдан харажат, дўстим.
Бошингда бош сийпар кишинг бўлмаса
Улкан ишлар сенга не ҳожат, дўстим.

2003 йил, январь.

* * *

Бундай тартиб, талаб нодонларга хос,
Аросатда, кўнгли ҳайронларга хос.
Ҳар икки дунёнинг ҳуру-ғилмони
Ўзлигин англаган инсонларга хос.

* * *

Мансаб сенинг учун бойлик ва даврон,
Шу кичик даргоҳда ўзинг мутлақ хон.
Жамоа аҳлига йўл кўрсат, лекин
Уларнинг қалбига бўлма ҳукмрон.

* * *

Қатъий тартиб-талаб манқуртларга мос,
Мен учун соф эркин, дунёқараш хос.
Фикрингни эл учун қилма қоида
Сенинг бор бойлигинг фақат эҳтирос.

* * *

Шу нурсиз чаманинг ўзинга сийлов,
Мени ҳам кутмоқда бағрикенг яйлов.
Ваҳшат қўрғонидан минг бор афзалроқ
Кенг яйлов бағрига тикилган ўтов.

2003 йил, июль.

* * *

## *УСТОЗ НАЖМИДДИН КОМИЛОВГА*

Биз шогирдлар табаррук деб изингизни,

Тинглаш учун меҳр тўла сўзингизни,
Муршид билиб, пири комил ўзингизни,
Меҳрингизни туйдик устоз, меҳрингизни!

Шахдам қадам бошланади из-излардан,
Чин устозлар қўллагайлар холислардан,
Илм излаб келган эдик олислардан,
Меҳрингизни туйдик устоз, меҳрингизни!

Баъзан дунё ишларидан кўнгил ҳайрон,
Гоҳи хурсанд, гоҳида дил бўлиб вайрон,
Сукут сақлаб, Сиз туфайли бўлиб бийрон,
Меҳрингизни туйдик устоз, меҳрингизни!

Ғуборлашиб қолганида хуш дамларим,
Гоҳ йўрғалаб, гоҳи занглаб қаламларим,
Дилга сиғмас бўлганида аламларим,
Меҳрингизни туйдим устоз, меҳрингизни!

Гоҳ жавобсиз қолганида саломларим,
Эшитилмай дилдан айтган каломларим,
Ошганида дўст-душмандан гумонларим,
Меҳрингизни туйдим устоз, меҳрингизни!

Бу ҳаётнинг ўйинидан бўлганда лол,
Келганида машаққатлар дилга малол,
Қолганида топай дея илмим завол,
Меҳрингизни туйдим устоз, меҳрингизни!

Бу мадҳия эмас устоз, эмас мақтов,
Етмиш йиллик тўйингизга оддий қутлов,

Сизлар борки, қалблар равшан ёниб лов-лов,
Меҳрингизни туйдик устоз, меҳрингизни!

Орифларга аҳли суҳбат, мижозсиз Сиз,
Бугун эрта ҳам табаррук мумтозсиз Сиз,
Илму-одоб, дин аҳлига устозсиз Сиз,
Меҳрингизни туйдик устоз, меҳрингизни!

2007 йил, октябрь.

* * *

Шабнамдек покиза нигоҳларингда,
Олам гўзаллиги гўё мужассам.
Ҳарир атлас каби қароқларингда
Инсоний эзгу-пок хислатлар ҳамдам.
Дунёда бор бўлса иккита гўзал,
Аларнинг биттаси шубҳасиз ўзинг.
Хаёлот сингари шўх-қувноқ, зарҳал
Олам гўзаллигин акс этар кўзинг,
Наврўз айёмидек порлоқ юлдузинг!

2007 йил, сентябрь.

* * *

Элим ўзинг эрурсан соқи,
Ўзинг ҳофиз – ўзингсан булбул.
Муқаддасдир боболар боғи
Шу боғдаги ҳар тикан, ҳар гул.
Унга йиллар рангу-ҳид берган,
Орзу армон-бари пайваста.
Шу боболар боғидан терган-
Элим, Сенга мендан гулдаста.

2007 йил, март.

## *Лақай диалектида ёзилган шеърлар ва достонлар*

### *ЕЛИМЕ БЕР*

Бу дунйениң абийири –
тил, тафаккур, малимиз,
Шулар бӧса сӯзлер буррӧ,
ҳам кӯрмекли ҳалимиз,
Насибемиз қӧлимизда –
ризқи, аш-ҳалалимиз,
Эй Худайим, Елге берип
шу хислеттен айирма!

Ақлу-имӧн тугел қилар
нӧмаи-аъмӧлимиз,
Тӯбемизде жулдуз парлап,
жарих бӧлар жӧлимиз,
Давре тӯри бизики бӧп,
журтқа жетер қӧлимиз,
Қадир Егем, Ел бӧғин деп –
шу давлеттен айирма!

Елмиз шукур, вӯзиң берген,
ҳам намус, ҳам аримиз,
Алла дейди, ҳар бир тамир,
ҳар бир журек таримиз,
Ихлас минан чин кӯңилден,
бардир улкен заримиз,

Вўзиң қӧллап, Ел бӧл деп шу
фазилеттен айирма!

Мейман қилип аш-нан қӧйип,
алиң, деген ел бизмиз,
Айсиз тунде жӧл жирмесден
қалиң, деген ел бизмиз,
Таң аттирип, бамдад вӧқип,
мейман жўнер маҳали
Нан жӧлдашдир, ап хӧржинға
салиң, деген ел бизмиз,
Ғамхӧр Егем, Сен Елимди
шу хизметтен айирма!

Қараңаға аппақ таңди
улап, умид байлаған,
Дӧсқа садиқ бӧлишлихти
журегиге жайлаған,
Ҳақ жӧлиға садақа деп,
чари қӧшқар сайлаған,
Елмиз Алла, қӧллап бизди,
шу ҳумбеттен айирма!

Тулпарини еслеп-еслеп
ат мазарда бўзлеген,[1]
Ғариб мазар, шаҳидлерге
аят вӧқип, сўзлеген,[2]

---

[1] Йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида Хрушчевнинг отларга қарши сиёсати туфайли отлар мажбурий гўштга топширилиб, гўшт комбинатининг имконияти тугаб, Кўктош-Султонобод йўналишида отларнинг қолган қисмини отиб ташланган сой. Айни пайтда «Отмозор» деб аталиб ўша атрофдан ўтаётган отлар мунгли кишнайди.
[2] Йигирманчи асрнинг йигирма-ўттизинчи йилларида большевиклар босқини туфайли Бухоро амирлигининг марказий ҳудудларидан аҳолининг бир қисми қочоқ сифатида

Туманли тун артта қалип,
нурли кунди кўзлеген,
Елмиз Алла, назар қилип
муруваттан айирма!

Яхши-жаман куннердеем
қип ибӧдат, шукурлер,
Жайнамазда тасби санап,
тавба деп, қип зикрлер,
Ҳам бугунди, ҳам ертенди
қип андиша-фикрлер,
Кеген Елмиз, Жаратувчи,
Сен раҳметтен айирма!

Алисдағи жулдузларди
кўзлеген ел – бизиң ел,
Небересин улақ чап деп
тезлеген ел – бизиң ел,
Бабалардиң батирлиғин
сўзлеген ел – бизиң ел,
Эй Аллаҳим, Елимди шу
саӧдатдан айирма!

Пир-авлие мазариға
мақбарелер қӧйдирип,
Жил башию, садақа деп
бӧрдақилар сӧйдирип,

Афғонистонга ўтиш мақсадида Регар-Ҳисор-Кўктош йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиш чоғида қизиллар томонидан муҳожирларнинг бир қисми отиб ташланиб, сўнгра маҳаллий аҳоли томонидан яширинча яқин тепаликка алоҳида мозорлар қазишиб кўмишганлар. Ушбу тепалик «Ғарибмозор» деб аталиб, халқ томонидан зиёрат қилинади.

Энг ахирғи нанди бўлип,
нани жӧхти тӧйдирип,
Кеген Елмиз, эй Худайим
шу ҳимметтен айирма!

Ата-ене, авледини
эң мутабар зат билип,
Сирдашию, жӧлдашини
жуйрик, тулпар ат билип,
Келинчекмен тулпар атти
ерге қӧш қанат билип,
Журегиге туйген Елмиз,
шу раҳаттен айирма!

Пас-балентке кўнип, жӧхти
жӧндирғанам бабамиз,
Сар лачинди желкесиге
қӧндирғанам бабамиз,
Меҳнет минен бахт шамини
жандирғанам бабамиз,
Эй Худайим, Елимди шу
карӧматтан айирма!

Алимлери суҳбет қурар,
елди бермен қаратип,
Шайирлари шеър вӧқийди
сўз сеҳрини таратип,
Палваннари алишади
бир-бирин журт сӧратип,
Ақсақаллар дува берер
ниетге нур вӧратип,

Қадир Егем, вўзиң чебер
Елди тугел жаратип,
Қойғаниңа Елим қайил,
Сен раҳметтен айирма!

Ел тарихи язилишда –
шул елимниң армани,
Қош китаплер жилда чиғип –
мақал, шеъру, дастани,
Даврелерде Лақай сўзи
басим боған замани,
Қадир Егем Сен елимди
камалаттан айирма!

2007 йил, октябрь.

## *ИБРАЙИМБЕК*

Душман басса батир жигит
сақлайди кек,
Елди жийип баш бөлувға
ғайрат керек,
Елдиң ару-намуси деп,
вөтирмай тек,
Вөн миң атли қошинға сен,
саркарде – бек.
Душман кесе сен ат қойип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Кўкке булут айналғанда
сен шунқарсан,
Шӧ ғубарли заманнарда
беғубарсан,
Батир елдиң тилегиде
Зулфиқарсан,
Душман кесе сен ат қӧйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Кең давреде ачилади
палван кўзи,
Кўпти кўрип вўткир бӧлар
батир сўзи,
Ҳам елбаши, лашкербаши,
бектиң вўзи,
Душман кесе сен ат қӧйип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Жариқ жулдизлар ичиде
энг жарқини,
Жӧлбашисан, қуяшисан -
гаптиң чини,
Ел асманин қӧриқлаған
зӧр лачини,
Душман кесе сен ат қӧйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -

Ибрайимбек!

Ел устиге ат қойғанниң
чиғип дути,
Вӧсал бӧлип душманнариңниң
табути,
Сенсен вўзиң, ел шунқари,
ел бургути,
Душман кесе сен ат қойип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Сибир бӧған еллеримниң
арманисан,
Шаҳид кеткен шерлеримниң
арманисан,
Бари бирем жара журек
дарманисан,
Душман кесе сен ат қойдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Авур кунде елди жийип
сен баш бӧлип,
Шӧ бебардаш заманаға
бардаш бӧлип,
Булутларди парчалавчи
қуяш бӧлип,
Душман кесе сен ат қойип

батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Ай-жулдузсиз асманнарда
жулдиз бўлдиң,
Тун қараңа заманада
кундуз бўлдиң,
Батирларға жўл башлаған
бир из бўлдиң,
Душман кесе сен ат қўйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Асадулла, Егемберди
батир бари,
Алимардан, Барат, Байтур,
Тўғай Сари,
Хуррамбекмен, Шерметбегем
ел сарвари,
Душман кесе сен ат қўйип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Ибрайиму, Исматбеклер
газер жигит,
Алет, Кўген, Элбаш, Артиқлар
шер жигит,
Алимардан, Қарақулларин

ер жигит,
Душман кесе сен ат қӧйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Сўзсиз кеткен батирлардиң
авазисан,
Навасиз бир замананиң
жўр-сазисан,
Ўтанбегу, Арзиқулбек
устазисан,
Душман кесе сен ат қӧйип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Имамқулман, Рустем батир
бӧп жӧлдашиң,[3]
Мӧлла Латиф, мӧлла Султанлар
қӧлдашиң,
Абдусамет, Халмаметлар
давредашиң,
Душман кесе сен ат қӧйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Абдушукур, Ақмуратлар

[3] Ќолганларнинг бариси Иброҳимбекнинг Афѓонистондаги ҳарбий фаолияти давомида қўрбошилик қилган шахслар.

бӧп елге баш,
Имамназару Имамяр
саңа сирдаш,
Абдукарим, Бўри палван
бӧп баши таш,
Душман кесе сен ат қӧйип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Халмуҳаммет, Шақул хӧжа
журекке жав,
Ниҳӧлбанду, Мандарачи
бӧп кўңли тав,
Батирларға тиз чўктилер
вӧн миңлеп яв,
Душман кесе сен ат қӧйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Мухлис елди, бугун арвейиң
қӧлласин,
Батирларам руҳлериңнен
мадет асин,
Қӧли ачиқ елим дувасин
жӧлласин,
Душман кесе сен ат қӧйип
батир журек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

Жўл башлайди журекке жай
айтқан сўзиң,
Батирлардиң умиди бўп
басқан изиң,
Давредаш шу дўсларғаям
пирсен вўзиң,
Душман кесе сен ат қўйдиң
ачип кўкрек,
Елдиң ари, бетжувари -
Ибрайимбек!

2007 йил, август.

## *ХУДА БЕРСИН*

Малу-дунйе сорағичлар,
Ҳақ десин, Алла десин,
Ҳар бандеге байлиқ, давлет
Худаниң вўзи берсин,
Пок ибодат, чин итоатман
мулк, давлет, мал кесин,
Ҳар биримиз ғамимизди
жаратқан вўзи жесин.

Банде берген пулу-мал бу –
кун келип кўзди вояр,
Таънелер журекти дахлап,
тилди калте қип қояр,
Пайт пайлаб, жипсиз асип,
бепичақ тиғсиз сояр,

Беминнет дунйею-фарзент
тилегин Алла берер.

Банде берген тўрт теңге,
мулк емес, дунйе емес,
Вақтинча таскин бериб лек,
кўзде нур, зия емес,
Сўз салар тилге, лекин тил
булбули гўё емес,
Алла деп, қисаң ихласлар
мал берер, дунйе берер.

Банде берген тамчи сув бул,
тамақа салқин бомас,
Чамбилге бомай чирақжав,
кўңилге таскин бомас,
Бандесиден тилегениң
кўзди воймасдан қамас,
Илтижо қил, дунйе-давлет
Алланиң вўзи берер.

Алла берген дунйе-давлет
ҳам давамли мол болар,
Чин ихлас минан тилесең
бешигиңе бахт толар,
Елге қошиб, ҳурмет ашип,
тўрге вўткезген шолар,
Пок ниет қип мал тилесең,
Алланиң вўзи берер.

Банде берген жарти кулче,

тилди калте, гуң қилар,
Алла-алла елге бер деп,
банде баш урип жилар,
Саф ниетли ел-улусқа,
ҳам берип башин силар,
Алла деген елге мол-кўл –
Жаратқан вўзи берер!

Елди деп ел ағалари,
елге бахт сорап кеген,
Ақилу-батирлариға
тажу-тахт сорап кеген,
Ниетини тоғри ағанниң
жайи жаннет деген,
Тавба дегинда тилегин,
Алланиң вўзи берер.

Давлету-дунйе талебгер,
Ҳақ десин, Алла десин,
Бандеден қимай умидлер,
Худаниң вўзи берсин,
Пок ибодат, чин итоатман,
береке-бахт кесин,
Ҳақ деген елдиң ғамини
елди ел қиған жесин,
Алла десин, илтижо қип,
малу-давлетлер берер!

2007 йил, 24 декабрь.

## *ХАС КАПЕ*

*(дастан)*

Атам саған хас капе,
Ташвишием аз капе,
Қишин-жазин саз капе,
Бизге шулам бас, капе –
Атам саған хас капе.

Еврӧремӧнт демейди,
Абӧй, липка жемейди,
Тенеге дард бермейди,
Атам саған хас капе.

Кунде шавқин-куйи жӧқ,
Ал-алу, қуй-қуйи жӧқ,
Астин-устун уйи жӧқ,
Атам саған хас капе.

Майлислер батке урди,
Чанг-ҳава дартке урди,
Абийир гартке урди,
Қабат – қабат мас капе.

Зияпатлар бездирди,
Кўтер-кўтер тӧздирди,
Елсизликти сездирди,
Гуриллеген мас капе.

Қабат-қабат тар ҳавли,
Ели кўбу – кар ҳавли,
Ҳамсаяға зар ҳавли,

Тӧққиз қабат мас капе.

Етекте ел – ала ел,
Асманида жала ел,
Журтта қаған – бала ел,
Атам саған хас капе.

Вӧтирғанлар бал бӧлар,
Елден кеткен кал бӧлар,
Етекте вӧсал бӧлар,
Қайқайип бекас капе.

Журтта қаған ватанли,
Мал дунйеси қӧтанли,
Абийирли султанли,
Атам саған хас капе.

Кўппен жирген кўл бӧлар,
Қури емес – ҳўл бӧлар,
Барекети мӧл бӧлар,
Атам саған хас капе.

Вӧнда сераб айрани,
Ачихдир дастархани,
Шулдир елдиң байрами,
Атам саған хас капе.

Жарашади қамишлар,
Жамбашлашип жатишлар,
Бабеки там жабишлар,
Атам саған хас капе.

Люстраларин̧ – қамишин̧,
Салқин уйде жатишин̧,
Айраннарға қанишин̧,
Атам саған хас капе.

Жашмичлерге тӧйишин̧,
Кучли билек бӧлишин̧,
Иштин̧ кӯзин вӧйишин̧,
Атам саған хас капе.

Қавун кесип тилишин̧,
Симға тизип илишин̧,
Ғалминдилер қилишин̧,
Атам саған хас капе.

Тарбизларға тап берип,
Бел-кетменге сап берип,
Пистени қап-қап терип,
Атам саған хас капе.

Жумурқаси, тавуғи,
Куев хиштин̧ жувуғи,
Вӯрел иссиқ-сувуғи,
Атам саған хас капе.

Вӧн̧ жағида бажаси,
Тӯрде кампир - ачаси,
Тиззесиде қизчаси,
Атам саған хас капе.

Келинчек ийнек савар,
Уллари кандик тебер,
Қӧтанда бек – алапар,
Атам саған хас капе.

Авруп турсаң – жан вўлже,
Жӧл жирсең – табан вўлже,
Дан ексең – сабан вўлже,
Атам саған хас капе.

Асманида жулдизи,
Сувда балиқ, қундузи,
Парделери гулдузи,
Атам саған хас капе.

Вӧртасида жер вӧчақ,
Писте вӧтин бир қучақ,
Вӧчағида тӧла чӧқ,
Атам саған хас капе.

Даречеси туйнекли,
Ҳавли қӧйли-ийнекли,
Егелери билекли,
Атам саған хас капе.

Кийиз кузги-баҳари,
Бӧғжамаси аҳари,
Бамдат вӧқип саҳари,
Атам саған хас капе.

Ҳавлисиде вўрмеги,

Қиз алип, қиз бермеги,
Шул елимниң ермеги,
Атам саған хас капе.

Жайлавида қӧйи бар,
Ул бӧзбала - вӧйи бар,
Қизға жавчи – тӧйи бар,
Атам саған хас капе.

Машиннен-машин сайлар,
Яна жаңасин алар,
Жилде бешикесалар,
Атам саған хас капе.

Кексениң жайи тўрде,
Мали жайлавда- вўрде,
Душмани ачиқ гўрде,
Атам саған хас капе.

Асманида ай тайин,
Ағайини бай тайин,
Уруғи Лақай тайин,
Атам саған хас капе.

Елдиң буюк сири бар,
Мали – қӧлдиң кири бар,
Ешан баба – пири бар,
Атам саған хас капе.

Астида Лақайи ат,
Ҳам Бедеву, ҳам Ғират,

Атман елим қөшқанат,
Атам саған хаскапе.

Арахчини гуллеме,
Тақия-чи жўрме-ме?!
Кийгени-чи бурме-ме?!
Атам саған хас капе.

Бөхчасини қарасам,
Тахтали зөр беқасам,
Улиға куевчапан,
Атам саған хас капе.

Жегени гўшмен қатиқ,
Жемишме буннан артиқ,
Таң атмастан буламиқ,
Атам саған хас капе.

Мейманиға гўши бар,
Қабирғаман-тўши бар,
Бафуржаға аши бар,
Атам саған хас капе.

Қудағийға қөшқари,
Қөқардиңам ашқари,
Қип режеден ташқари,
Атам саған хас капе.

Чегелдеги чирайи,
Қудағийға кирайи,
Кўйлекминен пидайи,

Атам саған хас капе.

Уч куннетип мейман қип,
Мейманди Хизир билип,
Қөшқабат сарпай қилип,
Атам саған хас капе.

Желек, белбев қудаға,
Жайнамазам садаға,
Намаз вөқип қиблаға,
Атам саған хас капе.

Хөржиниға түш салип,
Беш шөрпалиқ гўш салип,
Вўзи дува қип, қалип,
Атам саған хас капе.

Вўсип-гуллесе қақи,
Тöй қип чақирар сақи,
Башида жўрме тақи,
Атам саған хас капе.

Сақилари сайрайди,
Елди тöйға қайрайди,
Тöй жеп елим жайрайди,
Атам саған хас капе.

Баҳарде булағи кўп,
Кўрпече-қурағи кўп,
Алишу-улағи кўп,
Атам саған хас капе.

Байраминиң бари тӧй,
Чаршемби базари тӧй,
Чал-кампирге-қари тӧй,
Атам саған хас капе.

Қирқи чихча – чилле тӧй,
Тез жирсин деп – кулче тӧй,
Юзге кирсе – ҳилле тӧй,
Атам саған хас капе.

Тишин жарса – қурмач тӧй,
Бидирласа – тилмач тӧй,
Қӧш ҳайдаса – амач тӧй,
Чапан пичсе – жирмач тӧй,
Атам саған хас капе.

Қизча чапса – мӧнчах тӧй,
Ул жугирсе – чӧчах тӧй,
Қавун пишсе – пӧчах тӧй,
Атам саған хас капе.

Тӧйдан алдин – қурчах тӧй,
Тандир қиса – вӧчах тӧй,
Бир гале – бир қучах тӧй,
Атам саған хас капе.

Чақалақа тай - тай тӧй,
Чӧчах кесер - вай-вай тӧй,
Дӧллар кесе – бай-бай тӧй,
Атам саған хас капе.

Баҳарде мал ҳайдав тӧй,
Мал ҳайдаса жайлав тӧй,
Кенг жайлавда вӧтав тӧй,
Мал ендирсе қишлав тӧй,
Қишқа қӧшқар байлав тӧй,
Атам саған хас капе.

Тил чихса – гуңгӧла тӧй,
Шавулақ – бузғӧла тӧй,
Тажикче – қиңғӧла тӧй,
Атам саған хас капе.

Тиши чихса тиш тӧйи,
Ичи қатса – ич тӧйи,
Канде бӧмас ҳич тӧйи,
Атам саған хас капе.

Улиға суннет тӧйи,
Елиме зийнет – тӧйи,
Дӧсқа беминнет тӧйи,
Атам саған хас капе.

Сиңнисиге қиз тӧйи,
Вӧннан сӧң балдиз тӧйи,
Баҳарде жалбиз тӧйи,
Табистан тарбиз тӧйи,
Буруңғи – қимиз тӧйи,
Атам саған хас капе.

Ул тай минсе – тай тӧйи,

Ақ вӧтавда жай тӧйи,
Айналсаң Лақай тӧйи,
Атам саған хас капе.

Ишлесе - жавур тӧйи,
Хиш кесе – бавур тӧйи,
Хуп алле тавур тӧйи,
Атам саған хас капе.

Кунде шамда аш – тӧйи,
Чақалақа чаш тӧйи,
Какул қӧйса – баш тӧйи,
Атам саған хас капе.

Ҳамсаялар зӧр хишим,
Ағайиним – танишим,
Шӧларман бутдир ишим,
Атам саған хас капе.

Кирне кирсе дам тайяр,
Духтур-мӧллаям тайяр,
Сувсаса зам-зам тайяр,
Атам саған хас капе.

Қӧл узатса ай жувуқ,
Егерлеген тай жувуқ,
Худаға Лақай жувуқ,
Атам саған хас капе!

Лақайманки, кўңним тӧқ,
Таъсир қимас ҳич бир дӧқ,

Башқасиман ишим жөқ,
Атам саған хас капе!

2007 йил, июль.

## *АЙНА БАЛИҚ, АЙ БАЛИҚ*
*(дастан)*

Айна балиқ, ай балиқ,
Нағмаларға бай балиқ.
Қөтаннаған ватаниң
Жаннетдейин жай балиқ.

Айна балиқ журтиңди,
Қөриқлағин еге бөл.
Ай балиқа севгиңди
Аямағин - еге бөл.

Айна балиқ - бөз бала,
Ай балиғи – қиз бала.
Екевиге иргешген –
Балиқча - балдиз, бала.

Ай балиқ – сулув балиқ,
Бетлериңди жув балиқ.
Бетлериңди жувғали
Гирдиң төла сув балиқ.

Айна балиқ сен минен,
Қөтаңинда сузейин.
Душман қөйған қармақти

Бирте-бирте узейин.

Ай балиғим жӧлиңди,
Қаш қарайса марайин.
Сен жашинған жулгеге
Асте аңнип қарайин.

Сӧң мен ушлап қӧлиңнан,
Кең дайраға тартайин.
Жӧлиңдағи тӧрларди
Бирте-бирте жиртайин.

Ай балиқ сувға тӧйған,
Қамиштан кеште вӧйған.
Ай балиғим атиңди –
Бабам қизиға қӧйған.

Ай балиғим, жан балиқ,
Лайли сув – туман балиқ.
Қармақлардиң дастиден
Журеккенең қан балиқ.

Айна балиқ хан балиқ,
Маңа бир дастан балиқ.
Сен елимди қӧллаған –
Инқилаб заман, балиқ.

Ҳамилерде бӧп жӧлдаш,
Сен елиме желкедаш.
Жӧл кўрсетип атларға
Сурувиңе бӧлип баш.

Елди сувдан вўткездиң,
Авғаннарға кеткиздиң.
Яна қайтарип алип –
Лақай журтқа жеткиздиң.

Айна балиқ, қулақ сал,
Саңа тарих вөқийин.
Елимниң вўтмишини –
Дастан қилип тӧқийин.

Лақай баба бек бӧған,
Душманнари тек бӧған,
Ақ патша басип алип
Сӧң-сӧң елге кек бӧған.

Чаптирип ел атини,
Аттиң энг зӧр затини,
Хамчи басип хатини,
Берип душман датини.

Балшевиклер басқанда,
Сақаллини асқанда,
Елге тўҳметлер қилип,
Ғам қайнади қазанда.

Айна балиқ тушунгин,
Айтқанима ишенгин.
Аввел гапти ешитип
Сӧң дайраға пишингин.

Елде кўп бўп батири,
Ат егерлеп жатири.
Жийилишиб ат қўйди
Деб бабалар хатири.

Ибрайимбек баш бўған,
Елге зўр сирдаш бўған.
Душман кеп ел башида
Тийирманнан таш бўған.

Ибрайимбек елбаши,
Алимханниң сирдаши,
Кесин деп душман лаши,
Ел деп егилди баши.

Айна балиқ дардим кўп,
Мен қайсини айтайин.
Е, айтмай ватанима
Арман минан қайтайин.

Айна балиқ – баласан,
Не тайласам илесен.
Айтмасамам вўзгенең
Барисини билесен.

Жан балиғим қулақ сал,
Қисқа-қисқа гапирей.
Журекдеги дардимди
Дастархан қип шапирай.

Басқинчилар басдилар,

Елдиң кўресини - ғам.
Булут қаплаб асманди
Елдиң куни бир тутам.

Тақдирсиз ел титилди,
Насибеси катилди,
Ел тўҳметке жölиғип
Жиргич жöли пителди.

Елдиң баши пас бöлди,
Рисқисиям аз бöлди,
Ҳақиға шерик бöлип
Басқинчиға саз бöлди.

Мöллалар Сибир бöлди,
Сувухтан-вöхтан вўлди,
Калхат егелеп журтти
Жантахлар басти жöлди.

Жаманнан-жаман заман,
Дöсларам душман таман.
Душманнардиң дастиден
Қуюн бöп қалди ватан.

Бу куннерем елимниң,
Тағдириде бар екен.
Ярми бегана журтта
Ватанғаям зар екен.

Айна балиқ зиқ қилип,
Дардимди дастан қилдим.

Шу бегана журтларда
Сенерди сирдаш билдим.

Мусапирлиқ адамди,
Дӧсқаям зар қилади.
Кисеңде пулиң бӧса
Жӧқ дӧсти бар қилади.

Мениң дунйем бари шул,
Қалам минан қағазим.
Буннан башқа давреде
Лақай деген авазим.

Ҳаммегенеси шулдир,
Мениң бари байлиғим.
Беш-алти китап бӧлар
Жийирма жиллиқ айлиғим.

Сенергеем нан бӧлар,
Айлиғимнан қийғаним.
Елиме дастан бӧлар
Бир вўмирлик жийғаним.

Майли булар бир жақа,
Гуруңди кенг алайиқ.
Бир мен емес гуруңчи
Сенермен теӊ алайиқ.

Айна балиқ ҳа, дегин,
Ай балиқа сўз қатай.
Сенермен гуруңнешип

Ахшам шу ерде жатай.

Ай балиқжан уялма,
Мендеем ай қизлар бар.
Уч бӧзбала – уч айна
Мен вўтсемем излер бар.

Вўмир деген шул екен,
Вӧт лавуллап - кул екен.
Дӧслар минан гуруңлер
Кулде вўсген гул екен.

Ай балиқ сен бермен ке,
Мына чегелдекти же.
Сӧң қабағиңди ачип
Бир авуз габиңди де.

Ай балиғим кештечи,
Қармақ синсин бештеси.
Тенеңде каттенемниң
Сувда аққан кештеси.

Қарниңдағи кумушлер,
Жан мамамниң теңгеси.
Вӧни бӧйниға саған –
Кўрманаға жеңгеси.

Ай балиғим уялма,
Сен кўтергин пардени.
Бӧйниңда катапамниң –
Кумуш зебигардени.

Тамағиңда асилған,
Жағаңнниң-ма чачаги?!
Вӧл чачахмес, лақайдиң –
Теңге тамахмӧнчаги.

Сув астида тавланған,
Вӧл кимлердиң кўрпеси?!
Жӧқ, жӧқ, вӧл каттенемниң –
Сувда аққан серпеси.

Сув астида елимниң,
Тапқани табахчаси.
Жукчариғич, жук бети
Бӧғжамаман бӧхчаси.

Қамишларда тавланған,
Вӧл кимлердиң қилиғи?!
Менимче вӧлам қайси -
Жашлардиң чимилдиғи.

Айна балиқ, дӧс балиқ,
Сен дӧсимниң биреви.
Белиңде чалатамниң
Ағип кеткен белбеви.

Тенеңде жалтиллаған,
Атаңниң-ма ҳилласи?!
Вӧл мениң чалатамниң,
Сувға тушкен тилласи.

Айна балиқ думиңнин,
Вўткир бўмаса учи.
Вўл дум емес, бабамниң –
Алмасқана қиличи.

Тенеңдеги қилтихлар,
Тикенме, сув майсаси?!
Майса емес, елиме –
Душман атқан найзаси.

Сен лақайға атилған,
Найзаларди жутипсан.
Батир елге қалқан деп –
Жанғанаңди тутипсан.

Айна балиқ авғанға,
Ел вўтмеген ҳар жерден.
Мениң бабамлар вўткен –
Қуйи Лақайгузерден.

Лақайгузер Пархарда,
Вўткич жайлари барда.
Тўп-тўп бўлип вўткеннер –
Кечеси, таң атарда.

Сарайкамер жўл бўған,
Елем хийли гўл бўған.
Тўрт тарефи аскерлер
Вўрта катте кўл бўған.

Шу кўлден вўтемиз деп,

Тинч журтқа кетемиз деп.
Аскериден вөқ жеген,
Авғанидан дөқ жеген.

Тапқанини узатқан,
Аскер, мушкареннерге[4].
Мал-дунйесин талатқан
Залиму, гареңнерге.

Буларам бир тақдирдиң,
Синав-имтиҳаннари.
Ел-ел болар, тапланип
Эътиқод, иманнари.

Айна балиқ душманиң,
Дайраға төр тайлапти.
Қармақ салип, қазиқа –
Дастесини байлапти.

Қармағини синдирип,
Жанған вөтқа атайин.
Төрларини жип қилип
Жарти нанға сатайин.

Жарти нанди уматип,
Дайра бөйлап тайлайин.
Чин дөсиң ким, деселер –
Мен сенерди сайлайин.

[4] Мушкарен (мешгарон) – мешчилар, бутунлигича шилинган молларнинг терисига ҳавони тўлдириб, мешлар воситасида ҳожатмандларни сувдан ўтказувчилар.

Сеннен жуваш жанзатти,
Ҳали ҳичем кўрмедим.
Чунки, ҳали дунйеде
Ҳамме жерге вўрмедим.

Айна балиқ қирғахта,
Мен худайлап жатайин.
Таң атсин сөң ватанға
Шашип турип кетейин.

Ай балиқ қизларимиз,
Сеннен сабақ уйренсин.
Мейман кесе қөшқөллап –
Меймантабақ уйренсин.

Ай балиқ сен жавчиңди,
Кўп қийнамай ҳа, дегин.
Айна балиқти имлеп
Харжиңиз барма, дегин.

Куев харжи қизларға,
Ҳамме жерде таъмили.
Сөң сақуч балдизларға –
Куев карде – таъмили.

Ай балиқ, ийт қабарға,
Балиқчани қөйғиниң.
Вўкил айтмай қуданиң
Кўзгенесин вөйғиниң.

Айна балиқ келинниң,

Қолини кўп қисмағин.
Чач сийпатар екен деп –
Прическасин бузмағин.

Айна балиқ жӧлдашлар,
Табақа пул тайласин.
Бӧйдахлари келинниң –
Дӧсларини сайласин.

Ай балихтиң чечеси,
Пулға бӧйин иймесин.
Чирақ айналтирувда –
Чирақа сув тиймесин.

Жанған чирахтиң жаву,
Акуланиң чарбиси.
Куев жӧлдашлар учун –
Арал денгиз тарбизи.

Куевге салле бӧсин,
Журттиң жибек-пиллеси.
Қизларға харжи бӧсин,
Хӧвалиңниң тилласи.

Ай балиғим қулақ сал,
Ел ешитмес заманда.
Яна бир дам шунда қал
Менем сенер таманда.

Сенерде мен бабамниң,
Аппақ кўңнини кўрдим.

Жўрғалашиңди кўрип
Ғайратиңа тан бердим.

Арқаңдағи хўржинда,
Табахчитав пистеси.
Пистеге кели қазған
Қўшқудуқтиң устаси.

Вўндай уста ким десең,
Мениң айнам бўлади.
Дува бергин, бўйниңа
Тизгин писте салади.

Кеште тиксең бигизи,
Хатин асаң кийизи,
Писте минен майизи,
Дайим тайяр туради.

Айна балиқ сением,
Савўлларға вўрасам.
Хили, хишиң, уруғиң –
Ағайиннан сўрасам.

Ағайиниң вўйлайма?!
Сен тўй қисаң қўллайма.
Узахларда яшасаң –
Салемини жўллайма?!

Ағайиниң ҳумбет қип,
Тўй қиса чақирама?!
Базарда ичиб жирсең

Чақирип бақирама?!

Ағайин жатип қаса,
Башини силайсама?!
Бир ахшам бағип жатип –
Сен савлиқ тилейсеме?!

Е мендейин сениңем,
Хишқа ҳич мейрин жӧхма?!
Мен касел бӧмайман деп –
Вӯзиңнен кӯңниң тӧхма?!

Ажел узахта емес,
Жаниңниң жамбашида.
Савлиқ раса алиста –
Ҳув, жулдузлар қашида.

Сав жаниңа дард сама,
Вӯмириңе ат сама.
Тӧдаңди писент қимай –
Кейин сӧппайип қама.

Айна балиқ, булар бир,
Бекарчиниң гуруңи.
Дутарсиз бир улусқа –
Дутарчиниң гуруңи.

Ай балиқ сен паналап,
Ешитип хуп кулмегин.
Мениң бу дартлеримди
Сен ҳазил деп билмегин.

Айна балиқ, ай балиқ,
Бу бир елдиң дардидир.
Бари емес, бу дарттиң –
Пичигене гардидир.

Барини айте берсем,
Бир-еки жил жетмейди.
Кўп езмелеген минен
Журектен дард кетмейди.

Жан балиқлар сувдағи,
Ҳамсаяңам зöр екен.
Сен вöйнайсан, қурбақа –
Мусиқаға жöр екен.

Екевиңди тöхтатип,
Уч саҳат дарс вöқидим.
Дардимдием чубатип –
Бирте дастан тöқидим.

Айнам мейман екен деп,
Гирдимде чöрчидиңар.
Езме айнаң габини –
Ешитип чарчадиңар.

Кўзлериңем тўрт бöлди,
Сенердеем тöй қарип.
Дöслариңа тамаша –
Енеңларға вöй қарип.

Мени тўйға чақирсаң,
Алислардан келемен.
Тўйда даврега чиғип
Шеърлер айтип беремен.

Бир аз қуйип, қиздирсаң,
Давреде хуп вўйнайман.
Ай балиқларди тартип
Вўйнамаса қўймайман.

Яна менде савал бар,
Шулардиям билейин.
Сен айтқин, мен ешитип –
Қулағима илейин.

Айна балиқ сенерде,
Қистир-қистирлар барма?!
Яки, елиң камбағал –
Тўрткене сўмға зарма?!

Сениңем ашналариң,
Бўлек журтта ишлейме?!
Хатин-бала уйде қап
Қатқан нанди тишлейме?!

Алисдағи шаҳарден,
Малдаванка излейме?!
Сўң яна вўни қўйип
Башқасини кўзлейме?!

Бала, чаға, хатини

Пул сӧраса береме?!
Алис журттан уйиге
Уч жилда бир келеме?!

Мӧллалариң бирденге,
Тўртте хатин ал, дейме?!
Тўрттесиге қӧшқабат -
Уйлердием сал, дейме?!

Е бундейин қилихлар,
Бариси бизде барма?!
Бари жанзат инсапли
Фақат инсан беарма?!

Айна балиқ сенерде,
Бундай қилиқ жӧғ екен.
Шуниң учун ай балиқ -
Кўңни раса тӧқ екен.

Айна балиқ булар бир,
Шӧх Ҳаминиң гуруңи.
Бўлек журтта тӧлмаған
Шӧ каминиң гуруңи.

Булар саңа аманат,
Дӧслариңа жеткизгин.
Майли, барип тӧйиңниң
Камлерини питкезгин.

Ҳали замат вӧраза,
Қайнең қиз узатмайди.

Еки намаз вўтсин деп
Чимилдиқ тузетмейди.

Қайнең қизин асманда,
Ай чихмаса бермейди.
Жавчи қойған куеви –
Бай чихмаса бермейди.

Бай бösаям қоллари,
Ачиққана бай бösин.
Айна балиқ давлети
Ай балиқа жай бösин.

Тухум қой, балиқчалар,
Жугиргилеп тай бösин.
Қизлариңам кўрмекли
Қирқ какулли ай бösин.
Ҳами дайраниң баши
Сув қуйилғич сай бösин.
Душман қармақ тайласа
Дайра бети лай бösин.
Бабаң абат қиған журт
Сувли жаннет жай бösин.
Ағайиниң ҳумбетли
Мал-давлетли бай бösин.
Сенергеем худайчи –
Насриддин Лақай бösин.

2006 йил, август.

## *УЛ ТИЛЕДИМ*

Баримизге вўмиржўлдаш –
бу нам екен,
Нам-нишансиз, вўмир – жарти,
ҳам кам екен,
Фарзентлермен кўңил кучли,
бардам екен,
Худа суйип берсе маңа
яна бир ул,
Ниет қилдим, ати бўсин
Абдурасул!

Пайғембердиң суйген қули –
уммет бўсин,
Ҳақ десину, жирген жўли
суннет бўсин,
Ел ағаси – иши елге
хизмет бўсин,
Умметим деб, Расул сўрап
Алладан ул,
Берсе, Ўмин, ати бўсин
Абдурасул!

Ат вўйнатқан елимдеем
шу намлар кўп,
Желкеси жер искемеген
палваннар кўп,
Чабандазу, елди деген
инсаннар кўп,
Ҳавес қилдим, бўсин майли
шўлардай ул,

Пешана дўң, жавурни кең
Абдурасул!

Қирқи чихмай елге берип
чач тӧйини,
Тиши чихмай, тишчиғар –
қурмач тӧйини,
Ҳар жил елге кўз-кўз қилип
мен бӧйини,
Тӧй қилайин Худа берсе
қӧшқардай ул,
Ели суйген жигит бӧсин
Абдурасул!

Кулчелерди жумалатай
тай-тай қилип,
Дӧс-душманди аңнап вўссин
билип-билип,
Чарчап кесем «ата» десин
кулип-кулип,
Худа берсе яна бирте
шундейин ул,
Ниет минен ати бӧсин
Абдурасул!

Тўртке кирмей шӧ палванди
суннет қилай,
Улим алим бӧсин, майли
меҳнет қилай,
Ел деген ел улларига
хизмет қилай,

Худа берсе яна бирте
шержурек ул,
Шӧ батирдиң ати бӧсин
Абдурасул!

Вӧн жашида аят вӧқип,
қип қираат,
Қадамида бисмиллани
қилип адет,
Бӧсағани басип вўтмей
бе таҳарет,
Худа берсе яна бирте
инсапли ул,
Шӧ мӧминниң ати бӧсин
Абдурасул!

Вӧн бешиде батирим деп
ат чаптирай,
Меҳнет минен ҳам байлиқ, ҳам
бахт таптирай,
Майли, кейин ишлемесден
дам ап турай,
Худа берсе ҳам мӧмин, ҳам
қабил бир ул,
Бӧзбаланиң ати бӧсин
Абдурасул!

Жийирмаға жетсе
уйлентирип улди,
Шу булбулге, мен тавуп
бир атиргулди,

Ниетиме жетип, ачип
бу кўңилди,
Худа берсе яна бирте
суюкли ул,
Шӧ ашихтиң ати бӧсин
Абдурасул!

Вўзи суйген қизғанаға
суйдирейин,
Журегига ел дардини
туйдирейин,
Ҳар тӧйида елге чапан
кийдирейин,
Худа берсе яна бирте
хизметкер ул,
Шӧ қабилдиң ати бӧсин
Абдурасул!

Ай кўзлеген айналарға
жӧлдаш бӧлип,
Айдай сулув апаларға
қӧлдаш бӧлип,
Ата-ене, ҳам елиге
сирдаш бӧлип,
Журт сӧрасин, Алла бергин
шундейин ул,
Шӧ жигиттиң ати бӧсин
Абдурасул!

Кўңни ачиқ журегием
тав бӧзбала,

Фикри тазза, вӧйи-иши
сав бӧзбала,
Лақайимниң журегиге
жав бӧзбала,
Бергин яна эй Худайим,
қӧшқардай ул,
Расулиңа уммет бӧсин
Абдурасул!

Шу елимниң дардлериге
қалқан жигит,
Ел мушкулин дайим қиғич
асан жигит,
Атасидай, ҳар бир сўзи
дастан жигит,
Бер Худайим яна бирте
елпарвер ул,
Шӧ шайирдиң ати бӧсин
Абдурасул!

Ел дардиде артқа қайтмас
елде батир,
Авур кунде елге суенч,
далде батир,
Я, Аллаҳим, елим дува
қилаятир,
Бергиниң деп Насриддинге
яна бир ул,
Шӧ палванниң ати бӧсин
Абдурасул!

Ел ичиде бўлип вўссин
шердил инсан,
Кең дунйеде бўлип ачиқ
кўңил инсан,
Илму-адеп бабидаям
камил инсан,
Ҳар бандеге берсин Алла
шундейин ул,
Шу улларға жўра бўсин
Абдурасул!

Алламинан расулиға бўп
садиқ қул,
Суйген банде итаатта,
дайим, нуқул,
Лақайимнинг ҳар жигити
Абдурасул,
Алла, вўзиң, инсаф берип,
ҳидўят қил,
Елде ашсин, ҳам кўбейсин
Абдурасул!

Ел минен бўп қўшилишип
ел бўп жирсин,
Дармансиз шу лақайима
бел бўп жирсин,
Шу қадрли куннен алип
савўп, жирсин,
Я, жаратқан, егем, бергин
савепкер ул,
Шў жигиттиң ати бўсин

Абдурасул!

Лақайимда Расулға қул
инсаннар кўп,
Абдурасул деген батир
палваннар кўп,
Менде ҳали айтилмаған
дастаннар кўп,
Алла, илҳам бергин, суей
яна бир ул,
Шӧ батирдиң ати бӧсин
Абдурасул!

Абдурасул деген мураттаб
қӧри бар,
Журегиде ел намуси,
ел ари бар,
Алла деген, худа деген
бир зари бар,
Берсе яна маңа шундай
зеҳнли ул,
Шӧ ҳӧфиздиң ати бӧсин
Абдурасул!

Шу атти деб жумбушларға
келди кўңил,
Вӧразада ел дуваси
бӧлар қабул,
Я, Аллаҳим шу даҳаде
мағфират қил,
Бергин яна елим деген

намусли ул,
Ихлас минан ати бөсин
Абдурасул!

Ағайинниң ифтарида
ул тиледим,
Алла минан расулиға
қул тиледим,
Навасиз шу улусқа
булбул тиледим,
Дува қилиң, Худа берсе
қөшқардай ул,
Шө жигиттиң ати бөсин
Абдурасул!
2007 йил, 1 октябрь.

## ***ТИЛИМ КУЙГЕН***

Дунйе деген ғам ташвишти
уйген-уйген.
Дөслар қалип душманнарди
суйген-суйген.
Мениң кўңлим арманнарди
туйген-туйген.
Барисиден мениң тилим
куйген-куйген.

Дунйе вўзи турған-биткен
ғавға екен.
Бири вўрге тартар, бири –

тавға екен.
Журегимиз дайим нишан
авға екен.
Бу дунйениң ғавғасидан,
тилим куйген.

Ташвишу-ғам кам вўмирге
тузақ екен.
Ажел қарип, савлиқ жӧли
узақ екен.
Тӧғри - қара, вўтирик-чи
аппақ екен.
Шум ҳаяттиң савдасидан
тилим куйген.

Ваъде минен кимлер куйип
алланади.
Журекке дарт, кўңилге гарт
байланади.
Жарти вўмир яна чаппа
айланади.
Ағайинниң ваъдесиден
тилим куйген.

Бирен кун жӧқ кимдир куйип –
қахшамаса.
Заманаңам заманаға
вӧхшамаса.
Қайғу-ғурбет қазани ҳич
бӧшамаса.
Замананиң зардесиден

тилим куйген.

Вўмир-вўмир шу бугунги
вўмир екен.
Жиргениң - ақ, жатип қасаң
кўмир екен.
Туралмасаң кўрпе-тўшек
темир екен.
Шум вўмирдиң ғалвасидан
тилим куйген.

Жарти нанди бир кун жесең
қарин тӧяр,
Бирев берген миннети аш
кўзди вӧяр.
Даврелерде тилиң калте
қилип қӧяр.
Дӧслардиңам даъвасидан,
тилим куйген.

Мен-менликлер кең дунйени
тар қилади.
Кең давреде абийирди
хар қилади.
Дӧсларди жӧқ, душманнарди
бар қилади.
Вўпке кўңил ҳавасидан
тилим куйген.

Яхши адам чин бир инсан
бӧп қалади.

Кам дунйеде мӧл-кўл саваб
ап қалади.
Жамани-чи устиңе ат
сап қалади.
Инсанлардиң расвасидан
тилим куйген.

Бу барлиқти жаритқувчи
нур бӧлади.
Нур кўңилге тушкеннен сӧң
дур бӧлали.
Бир хил шайтан жамбашиңда
ҳур бӧлади.
Шундайлардиң васвасидан
тилим куйген.

Гаҳи маҳал жулдузларам
вӧсал бӧлар.
Вӧни кўрип сав кўңилем
касел бӧлар.
Тар куниңди фақат улфет
асел бӧлар.
Улфетлердиң нағмасидан
тилим куйген.

Жаз бӧғанда кун қутирип
қиздиради.
Бундай ҳава уйиңнеңем
бездиреди.
Хӧржинди ап салқин журтлар
кездиреди.

Бегана журт барасидан
тилим куйген.

Жаман куннер вўмириңе
тузақ бӧлар.
Душман жақин, дӧсиң раса
узақ бӧлар.
Қӧрқақ батир, батирлар-чи
қӧрқақ бӧлар.
Шум кўңиллер қарасидан
тилим куйген.

Тўҳмет-тўҳмет ақ куниңди
қаралайди.
Сав журекти нишан алип
жаралайди.
Бундай кунде шайтан егиз
балалайди.
Шайтаннардиң сарасидан
тилим куйген.

Тўрт тарефге қара, дунйе
даду-датдир.
Ата-бабам абат қиған журт
барбатдир.
Бир пайт қанат чиғарған ел
беқанатдир.
Мўмин кўңил жарасидан
тилим куйген.

Вӧйминан ғам жанди бўлек-

бўлек қилар.
Палваннарди раса кучсиз
билек қилар.
Вөннан ашиб кетеберсе
ҳалек қилар.
Кемтик вўмир аррасидан
тилим куйген.

Вўмир деген шуйтипкене
вўтеберер.
Гаҳ жугирип, гаҳ суринип
кетеберер.
Шашип-шашип ахириға
жетеберер.
Суриништиң шарпасидан
тилим куйген.

Сен ел бөсаң бабалардиң
жөлини бил.
Вўткен вўмир вөңиниям,
сөлини бил.
Бабалардиң ачиқ кеткен
қөлини бил.
Тарихсиз ел гиласидан
тилим куйген.

Сен ел бөсаң бабалардиң
сўзини де.
Ел деп келип, ел деп кеткен
вўзини де.
Ел ғамида жумулмаған

кўзини де.
Ел танимас баласидан
тилим куйген.

Тақдир деген кўп еллерге
берип кеген.
Вўйнап-кулип насибесин
терип кеген.
Биз-бизмиз деп кўкрегини
керип кеген.
Тақдир – ташдиң паррасидан
тилим куйген.

2007 йил, март.

## *СУЕГИМНИҢ СУЛТАНИ*

Эң яхши, эң авур кунде
уруғимниң қалқани,
Вўткен ата-бабалардан
қаған авлед-нишани,
Эл-улустиң абиийири,
ҳам ари, ҳам виждани,
Ҳурметлерим саңа бўсин
суегимниң султани.

Бу дунйеге кеген маҳел
киндик кескен вўзиңсен,
Дува берип даналихти
сўзге тизген вўзиңсен,
Балалихтан бугунимди

билиб, сезген вўзиңсен,
Эҳтирамим саңа бөсин
суегимниң султани.

Билимиңди аширғин деп
қөлға китап тутқазған,
Авур кунде сайип бөлип
жанғанамди қутқазған,
Шу жигиттиң вўмири деп,
ҳалаватин жутқазған,
Таъзимлерим саңа бөсин
суегимниң султани.

Бу дунйеде вөқип вўс деп
кўрсетип кеӊ жөлларди,
Тўбелерге тирмашқанда
сен узатип қөлларди,
Жибекдейин милайим қип
гап кўтермес зөрларди,
Раҳметлерим саңа бөсин
суегимниң султани.

Кўкке булут айналғанда
мына намди ал дедиң,
Ел дардини яна қайта
журегиңе сал дедиң,
Энг ахирғи дамиңече
елге садиқ қал дедиң,
Иззетлерим саңа босин
суегимниң султани.

Ғафлетлерде жатқанимда
туриб елди яз деген,
Бир китабим чиққанида
буниң ҳали аз деген,
Ибрайимбек китап бӧлди,
енди пичи саз деген,
Меҳнетлерим саңа бӧсин
суегимниң султани.

Дилде қувват кам бӧғанда
журегимниң дармани,
Жӧл жӧғатсам вўзиң ҳазир,
вўзиң кўңил фармани,
Сен қалбимниң қўри, кучи,
эътиқӧди, имани,
Ибӧдатим саңа бӧсин
суегимниң султани.

Шеър язишқа тафаккуру,
берип саф илҳамларди,
Ҳамсуҳбет қип фикри теран
ҳам ӧриф инсаннарди,
Елим учун журекке сап,
ижаду-дастаннарди,
Илҳамларим саңа бӧсин
суегимниң султани.

Саф меҳриңди туйип кўңил
шадлихларға яр бӧлди,
Ҳикметлердиң макени бӧп,
ғийбатларға тар бӧлди,

Сен кўрсеткен жӧлдан жирип,
жӧқ дунйеси бар бӧлди,
Абийирим саңа бӧсин
суегимниң султани.

Баш балишқа тийсе башда
дана табибим вўзиң,
Калимени тилиме сап,
жӧрам, ҳабибим вўзиң,
Жан узилсе хилханаға
қӧйғич, сайибим вўзиң,
Савапларим саңа бӧсин
суегимниң султани!

2007 йил, октябрь.

## *ХУМАР АПАМНИҢ АЙТҚАННАРИ*

Дайра қалип вӧзғанида ариғи,
Аяқ пасте, тўрге вўтсе чариғи,
Дан арзан бӧп, қимбатлашса тариғи,
Бетим айдиң жариғи.[5]

Қӧш қазаннан қайнағанда майдаси,
Савап қалип вӧзса напсдиң пайдаси,
Вўшек бӧса катте тӧйдиң ҳайдаси,
Бетим айдиң жариғи.

Ата қалип ул башласа гуруңди,
Дӧсиң сатса билип сениң сириңди,

[5] Бетим айдиң жариѓи – Уялмоқ, афсусланмоқ маъносида.

Қиз базарчи еки қимай бириңди,
Бетим айдиң жариғи.

Куев келип қайнатаға тик бахса,
Келин, байқуш қайнесиге син тахса,
Нар жигитке етекдеги қиз жахса,
Бетим айдиң жариғи.

Жаш келинчек тал тушкечей ухласа,
Тура салип, чай жӧхку, деп дӧхласа,
Қабақ уйип, милтиғини вӧхласа,
Бетим айдиң жариғи.

Бисмилла қап, ӧвминнен гап башласаң,
Супра учун ечки тери ашласаң,
Жувуқ қалип алистан қиз хӧшласаң,
Бетим айдиң жариғи.

Муҳтаж қалип байға берсе закетти,
Ешшек минип, арқаннап тарлан атти,
Урпие қап, ул сайласа беззатти,
Бетим айдиң жариғи.

Ата каврек, ули вӧтин жаққанда,
Байқуш ене кӯр пистени чаққанда,
Неберелер тизгин писте таққанда,
Бетим айдиң жариғи.

Ули жатип ата чапса қудуқа,
Кампир кунде зӧр бергенде урчуқа,
Ахшам қарап қӧзи, улақ, савлиқа,

Бетим айдиң жариғи.

Жаш кабинге, қари чихса бёртиға,
Атаға сув, ул жав ҳёплап уртиға,
Семизлиги урип кетсе сиртиға,
Бетим айдиң жариғи.

Қудағийға чёлақ хёраз соймасаң,
Сувли журтта тазза сувға тоймасаң,
Лақай бёлип, войма тўшек воймасаң,
Бетим айдиң жариғи.

Қизғанаға жўрме серпе қимасаң,
Жукчариғич, айнахалта илмесең,
Бастирмаман, тёрламани билмесең,
Бетим айдиң жариғи.

Жёлбарс қалип, чишқан қиса байрамди,
Чабандаз қап, улақ ичсе айранди,
Ағайиниң қиймаса жарти нанди,
Бетим айдиң жариғи.

Кең давреде пасте қап ел алими,
Жёғарилап, зияпат жеп залими,
Шагирд атли, пияда қаса малими,
Бетим айдиң жариғи.

Инилерге бўлек журтлар жаққанда,
Тамир атип, қазиғини қаққанда,
Жан айнамди беганалар баққанда,
Бетим айдиң жариғи.

Айда-жилда марекеде бомаса,
Айнам-апам қандай деп, сер самаса,
Хиштан қачип билгениден қамаса,
Бетим айдиң жариғи.

Куннер вўтип ада боса вўмирим,
Чоғи вўчип дутеп қаса кўмирим,
Сийлашмаса артта қаған тамирим,
Бетим айдиң жариғи.

Ағайин қап беганаман сирлашса,
Дўслар қалип душманнарман бирлешсе,
Бир вўмирлик хишларман ғир-ғирлашса,
Бетим айдиң жариғи.

Ҳар ийисте ҳақима нан бермесе,
Бир-бириге қолларини сермесе,
Қизларини «енежаним» демесе,
Жуз-кўзиде вўзгенемди кўрмесе,
Бетим айдиң жариғи.

Қағаннарам вўткеннерди войласа,
Дува минан, бизди еслеп қолласа,
Бир қизини Хумарча деп қоймаса,
Бетим айдиң жариғи!
2007 йил, ноябрь-декабрь.

## *ҚИЗЧАНИҢ СЎРАҒАННАРИ*

- Ене, атам қачан келеди?
- Асманға жулдуз тӧлғанда.
- Ҳазир атам қаерде?
- Ҳазир атаң Қӧрғанда.
- Қӧрған деген жирахма?
- Қӧрған атаңнан нари,
Атаң Қӧрғаннан нари,
Жанима тийди бари!

- Ене, Рассия алистама,
Маскуваси шундай жирахма?
- Келемен дегенге ана тавдиң арқаси,
Кемеймен дегенге,
Куйи Қаптанам нари,
Жанима тийди бари!

- Ене, атам кемейме?
- Келеди, арқаси ташқа батса.
- Маңа кӳйлек апкемейме?
- Апкеледи, пули пивадан артса!
Балалар ата зари,
Жанима тийди бари!

- Ене, ачқадим авқат бериң,
- Жав жӧқ, қимадим авқат.
- Ене, устимнен тамчи тамаятир,
- Укеңе тиғилип жат!
Жахмайди тамниң қари,
Жанима тийди бари!

- Ене, қачан палав қиласиз?

- Базардан жав аґанда.
- Базарға қачан барамиз?
- Кисемиз пулға тӧлғанда.
Чарчатти шу рузғари,
Жанима тийди бари!

- Ене, қачан пулли бӧламиз?
- Атаң кегенде.
- Қачан уйдиң устини жабамиз?
- Туйениң думи жерге тийгенде!
Еркектиң бӧсин ари,
Жанима тийди бари!

- Ене, пайиздиң жӧли шунча узунма,
Атам ҳич уйге жетмейди?
Атам хатин апти дейди, чинма?
- Ағанда мина кемейди!
Аса, атамнан нари,
Жанима тийди бари!

- Ене, атам вӧрис енемдием апкелеме?
- Уялмаса ап кесин!
- Қӧйиң ене, ап кесин…
- Шӧниң қирғини кесин!
Қана баш авур дари?
Жанима тийди бари!

- Ене, атамди сағиндим,
Суретини бериң, қучахлап жатай
тушиме кирсин!
- Сениң тушиңе атаң емес,

атаңниң тушиге сен кир
сағинип ертерек кесин!

Рузғариға баш бөсин,
шу ҳавлиде таш бөсин,
Кундузи қурдаш бөсин,
кечеси жөлдаш бөсин.
Енди ухла, жат қизим,
вөйлариңди ат қизим,
Тушлериңе киргенде,
атаңа сўз қат қизим,
Атаң ухлап жатқанда,
силкитип вөят қизим!
Жөлға тушсин азанда,
учип кесин асманда,
Қашимизға қөшилсин,
кўкке жулдуз төлғанда!

2004 йил, ноябрь.

## ***КЕЛИНЧЕК АЛЛЕСИ***

Алле балам жилама, мени ғамға билама,
Атаң кесе етектен, дөллар тўгер чўнтектен.
Сөң Қөрғанға барамиз, базар қилип қайтамиз,
Саңа тубек аламиз, жаңа сумек аламиз.
Тузув бешик аламиз, уйге ешик аламиз.
Айға кавуш аламиз, Байға папуш аламиз.
Маңа калиш аламиз, бешта балиш аламиз.
Бир тай пахта аламиз, хамир-тахта аламиз.
Бирте елек аламиз, вөн жуфт кўйлек аламиз.

Кийинемиз қошқабат, уйимиз болар абат.
Қазан тола гўш болар, қуйруқ, бавур, тўш болар.
Уйимизде той болар, қотан тола қой болар.
Жаңа уйлер саламиз, бир машинем аламиз.
Қидирамиз хишларға, досларға, танишларға.
Хишларимиз кўп болар, ағайин топ-топ болар.
Кемегичлер келеди, не сорасақ береди.
Мейманхана толади, уйим базар болади.
Шу гаплерди ешитсин, соң атаң жолға тушсин.
Еки жилки кемейди, бала-чағам демейди.
Эй худайим, худайжан, жирейик есен-аман.
Пул боса табилади, уйимиз жабилади.
Атажаниң келеди, саңа пулам береди,
Жиришини қояди, қарнимизам тояди.
Алле балам, е алле, атаңа инсап тиле!

2003 йил, февраль.

## *ҲАЛИ ЗАМАТ*

Бу куннерем вўтеди,
Ҳали замат.
Белден қувват кетеди,
Ҳали замат.
Вўмир вўрге жетеди,
Ҳали замат.
Суеке вот питеди,
Ҳали замат.

Асманда ай батади,
Ҳали замат.

Жулдуз кунге жатади,
Ҳали замат.
Бу ахшамам ғанимет,
Ҳали замат.
Ҳадемей таң атади,
Ҳали замат.

Кўңил кўп гап айтади,
Ҳали замат.
Напсиң сени сатади.
Ҳали замат.
Жегеннерем ғанимет.
Ҳали замат.
Бўғизға сув батади,
Ҳали замат.

Ташвишлер шалпайтади,
Ҳали замат.
Иссиқ наниң қатади,
Ҳали замат.
Асел жеген бу тиллер,
Ҳали замат.
Заҳардием татади,
Ҳали замат.

Вўмир сувдай вўтеди,
Ҳали замат.
Ҳўкимиң қўлдан кетеди,
Ҳали замат.
Габиң вўтмей балаңа
Ҳали замат.

Бўғизға жан жетеди,
Ҳали замат.

Ата аттапта қалип,
Ҳали замат.
Қўш-қўш илавлар алип,
Ҳали замат.
Тўшекти қалин салип,
Ҳали замат.
Раҳат қилип жатади,
Ҳали замат.

Чиққан қуяш баш қўяр,
Ҳали замат.
Намашамлап қаш қўяр,
Ҳали замат.
Жарих вўмир жўлини,
Ҳали замат.
Қара лалеппен бўяр,
Ҳали замат.

Чақалағам ул бўлар,
Ҳали замат.
Бўзбала бўп – гул бўлар,
Ҳали замат.
Гулдей бўған қизларға
Ҳали замат.
Сайравчи булбул бўлар,
Ҳали замат.

Жугирип жаш бўлади,

Ҳали замат.
Уйлениб баш бўлади,
Ҳали замат.
Жигитлердиң бир хили,
Ҳали замат.
Журеги таш бўлади,
Ҳали замат.
Ата қатқан нан чайнап,
Ҳали замат.
Жегени аш бўлади,
Ҳали замат.
Шунда атаниң кўзи,
Ҳали замат.
Ачилип маш бўлади,
Ҳали замат.
Кетип кучи-қуввати,
Ҳали замат.
Дил бебардаш бўлади,
Ҳали замат.
Байқуш кампир келинге,
Ҳали замат.
Авруған баш бўлади,
Ҳали замат.
Вўз иргеси сатилип,
Ҳали замат.
Пули талаш бўлади,
Ҳали замат.
Мали-ҳали бўлинип,
Ҳали замат.
Кимге қараш бўлади,
Ҳали замат.

Улдиң-қиздиң уйиде,
Ҳали замат.
Зияти таш бӧлади,
Ҳали замат.
Башиң дастиқа тийсе,
Ҳали замат.
Сени қарғаш бӧлади,
Ҳали замат.
Уйимде вўлмесин деп,
Ҳали замат.
Тибирчилаш бӧлади,
Ҳали замат.
Пайшембилиги дарт деп,
Ҳали замат.
Каселден қач бӧлади,
Ҳали замат.
Каселиңди иргеме –
Ҳали замат.
Ирге тайлаш бӧлади.
Ҳали замат.
Қачан вўлер екен деп,
Ҳали замат.
Аңнип қараш бӧлади,
Ҳали замат.
Вўлгеннен сӧң намиға –
Ҳали замат.
Катапалаш бӧлади.
Ҳали замат.
Инсап берсе неберең –
Ҳали замат.
Чалаталаш бӧлади,

Ҳали замат.
Бўлинмеген давлетиң,
Ҳали замат.
Раса талаш бөлади,
Ҳали замат.
Буни кўрип арвениң,
Ҳали замат.
Кўңнием ғаш бөлади,
Ҳали замат.

* * *

Булар бугунги гапмес,
Мамакасим.
Булар бурунғи гапмес,
Бабакасим.
Габим тийип кетмесин,
Бул кўне гап.
Келиннерге жетмесин,
Бул ене гап.
Бул бенамус келинге,
Баҳане гап.
Қайне бахмас келинге,
Бир таъне гап.
Если-ҳушли улларға,
Бул насаҳат.
Бенамус, беарларға,
Бул бесаҳат.
Если-ҳушли келинге,
Булар сабақ.
Бари бирем бир хили,
Ачмас қабақ.

Хизмет қисаң бу дунйе,
Қайтар дунйе.
Савап минан гунаңди,
Айтар дунйе.
Хизмет қиған келиннер,
Хизмет алар.
Миннет қиған келиннер,
Миннет алар.
Буннан башқа елдиңем,
Раҳмети бар.
Тил астида жаширған,
Лаънети бар.
Вўнип-вўсип жиришке,
Алқиш вўлже.
Ел бөмас, бенамусқа,
Қарғиш вўлже.
Ай кўзлеген байларға,
Дува пайда.
Тепкир, шанги, тайларға,
Раҳмет қайда.

* * *

Сенем бир кун қарийсен,
Ҳали замат.
Бар кучиңнен арийсен,
Ҳали замат.
Ҳасселерге суенип,
Ҳали замат.
Ҳилле жөлға жарайсан,
Ҳали замат.
Ул, келин, небрениң,

Ҳали замат.
Қабағидан қарайсан,
Ҳали замат.
Чаймен нан береме деп,
Ҳали замат.
Жатип ешик марайсан,
Ҳали замат.
Вўлишгеем рази бөп,
Ҳали замат.
Ажелиңди сөрайсан,
Ҳали замат.
Кун тугеп ақ вўмирге
Ҳали замат.
Қараңани вөрайсан,
Ҳали замат.
Е хизмет, е миннет ап,
Ҳали замат.
Хилханаңа далийсан,
Ҳали замат.

2007 йил, июль.

## *НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ*

- Юзлеп калле ичиде,
Ишлемеген аш кади.
Кўп жил қайнап қазанда –
Ас пишмеген таш кади.

Шунча қаннап дарслерге,
Ҳич толмаған хум калле.

Билимлилер ичиде –
Ақли жетмес шум калле.

Суретиңди демесе -
Билимиң кам бесават.
Каллеварам, даңгесе –
Пишмеген хам бесават.

Кўп китапти кўтерген,
Воқимай бепарасат.
Сўмкеңде вобал боған –
Даптерлер бир ҳарасат.

Гареҷ, ахмақ, сен давдир,
Миеңниң жоқ ҳич саву.
Хумпар, бекалле, сийир –
Катапамниң бузаву.

Тўнке, кунде, ғўр, надан,
Қарға боп гўң чоқисаң.
Ешшекмие, мал, ҳайван –
Вўлесеме воқисаң?!

Войнап вўткезсеҷ вахтти,
Ниетиңнен табасан.
Кўр болип шу қишлахта –
Қалип катмен чабасан!

* * *

- Унванларимди жийип,
Журт ҳидиге алишай.

Елдиң ичиге барип –
Журтта катмен чабишай.

Диплом, дареже, унван,
Кемтик вўмир тумаву.
Бомас барини жийсаң –
Журт чапанин жамаву.

Саваплардиң улкени,
Елге қиған саваптир.
Журттан алис дипломли –
Беватан, бесаваттир.
2006 йил. Москва.

## *МЕН АҢНАҒАН ДИАЛЕКТИКА*

Сен бай босаң кўралмағич,
алти батман азади,
Атли босаң ешшек минип
шаттеликмен возади,
Вўшек минен гап жеткизип
питкен ишти бузади,
Дува кеткен, гўриңдием
гирдиңдеги қазади.

Атли босаң тиззерлеп кеп,
узеңгиңди жалайди.
Кўзге қарап жалаб-жухлап,
миң қассамман аллайди.
Аттан тушсең сўгип-сасип,

гўриңе ғиш қалайди.
Тақа тапса шерик жийип,
тодайлашип талайди…

2003 йил, ноябрь.

## *ЛАҚАЙ КУЕВИНИҢ ҲАСРЕТЛЕРИ ЁКИ КАЛ ПАЛАВ*
(*ҳазил дастан*)

Ўтган аср öхирида Ватандаги сиёсий ва иқтисöдий инқирöз аҳöлининг маълум қисми, жумладан элатдöшларимизнинг ҳам баъзиларини бöшқа ўлкаларга дöимий ёки вақтинча яшаш, шунингдек мöддий аҳвöлини йўлга қўйиш учун вақтинчалик ишлашга кетишга мажбур қилди. Шундай сабаблар туфайли элидан öлисга кетиб қöлган бир куёв Ватанга бöриб, қайната юртидаги меҳмöндöрчиликдан кўнгли тўлмай, дардини муаллифга изҳöр этиб, унинг нöмидан бу ҳақда бадиий бир нарса қöғöзга тушириб беришни сўраб, мурöжаат этади. Биз ҳам элатдöшимизнинг кўнглидан ўтöлмасдан унинг қалб кечинмаларини қöғöзга туширишга ҳаракат қилдик ва бу қуйидаги мазмун-мöҳият касб этди. Аслида чöп этишга ҳам арзирли нарсалар эмас эди. Лекин, ушбу назмий шаклни элатдöшларимизнинг айримлари ўқиб, дардларнинг умумийлиги ҳамда муаммöнинг ўхшашлиги бöис, кичик ҳажмда бўлса ҳам чöп этишни маслаҳат беришдилар. Ҳамда ўқиган ва эшитганларнинг аксарияти эпизöдларнинг қайсидир тöмöндан ўхшашлигини, шу бöис ушбу асардан ҳам ватаннинг ҳиди уфуриб турганлигини, ҳамда асардаги кўринмас парда öрқасида ҳамманинг қарин-дöшлари кўриниш бераётганликларини таъкидлашдилар. Инсöн

тафаккуридаги ғöялар тилга чиққач у халқнинг, яъни кўпчиликнинг мулкига айланар экан. Шу бöис эътирöзга ўрин қöлмади ва чöп этишга қарöр қилдик. Шу билан бир қатöрда мендек шеъриятнинг сеҳрли öламидан анча узöқда бўлган кишининг лақай шевасида, яъни диалектöлöг ва фöльклöрист öлимларимизнинг дöимий диққат эътибöрини тöртиб келган, айни бир вақтда қўл етмас öлисликларда бўлган сöҳир ва жарангли лаҳжанинг назмий имкöниятларини синаб кўришга ҳаракат қилинди. Демак, мендек шеъриятдан анча узöқ кишининг қалами бу қўл етмас тепалик сари йўрғалабдими, шевадаги асл назмий гавҳарларни – сарҳадсиз ва мислсиз уммöн – халқнинг ўзидан териб öлаверасиз! Бу ҳеч кимнинг шахсига тегишли бўлмай, лақай куёв ва муаллифни эҳтирöсга сöлган туйғуларнинг ҳазил тариқасида ёзилган шеърий шаклидир.

## Сўзбаши

Асмандағи ақ жулдуз
Нур сачқин кече-кундуз.
Куевдиң ҳасретини
Ағайинларға жеткиз.

* * *

Бöйдақа қимиз яхши,
Сöң бир сулув қиз яхши.
Мейманға сизу-бизден –
Бирте жизу-биз яхши.

Жизу-бизху бöмади,
Сизу-бизем бöмади.
Назик куевдиң кўңни

Ағайиннан тӧлмади.

Вӧтирғанлар вӧйлансин,
Гап гуруңе байлансин.
Бир мазмунли суҳбаттан
Миң зияфат айлансин.

Сизу-бизху жӧғ екен,
Зияфатти сӧғ екен.
Екевием бӧмаса –
Журекте бир дағ екен.

## Жездениң ҳасретлери

Қайната журт ҳаваси
Майдалап қар жаваси.
Журтдан кетген куевдиң
Аччи пияз даваси.

Қайнилердиң тавуғи,
Тулкилерге жем бӧлди.
Жезде мейман бӧғанда
Мейман сийи кам бӧлди.

Дастарханди жаздилар,
Кал палавди асдилар.
Кейин тайяр авқатға
Аччи пияз бастилар.

Тамчи жавун сел бӧмас,
Вӧниман жер ҳўл бӧмас.

Вӧн жил сийлаб бахсаңам
Куев деген ел бӧмас.

Катте адир, кең адир,
Вӧғириға вӧң адир.
Куевге кал палав қип
Пушайман бӧл сӧң, адир.

Қишда асман аяздир,
Ҳавузлерем саяздир.
Жилда кегич куевдиң
Ҳақи аччи пияздир.

Жилда намаз бӧлади,
Уйге мейман тӧлади.
Жилда кегич куевдиң
Сийиям кам бӧлади.

Жездеге инсаф берсин,
Гўш емес пияз жесин.
Гўшли палав дегичлер
Тўрт-беш жилда бир кесин.

Вӧхшамади зияфат,
Ҳамсаялар кеп кӧрди.
Жезде куткич жигитлер,
Гўш салишти кӧп кӧрди.
Гўшсиз мейманпалавди
Ҳаммелери жеп кӧрди.

*Тамчи жавун сел бӧмас,*

*Вӧниман жер ҳўл бӧмас.*
*Вӧн беш жил бақ бирибир*
*Бир хил куев ел бӧмас.*

Балент адир, пас адир,
Ели жуда мас адир.
Куев мейман бӧғанда
Кал палавди ас, адир.

Башқа ишти қӧй иним,
Бир хӧразди сӧй иним.
Журтти тайлап кеткеннниң
Еки кӧзин вӧй иним.

Тарбиз сӧй деб қистадиң,
Писте қӧй деб қистадиң.
Бу мусапир журекти
Шӧр пиязман тузладиң.

Ватанимиз узақдир,
Қавунлари сӧзақдир.
Апаңди ҳурмет қисаң
Сен жездеңдием жахтир.

Учаятқан тай бӧғин,
Миң ечкили бай бӧғин.
Ағайинға нан бергич
Ҳақиқий лақай бӧғин.

Жезделерди жер деме,
Нанхӧр, дардисер деме.

Хатин габин гап деген
Еркекти ҳич ер деме.

Сут савулип ақ бӧлар,
Қавун пишип қақ бӧлар.
Вӧз сийиңди таппасаң
Хишдан кӧңил ях бӧлар.

Уйиңе кеген мейман,
Кам деб кулип кетмесин.
Турли-туман вӧшеклер
Ағайинға жетмесин.

Бу бир ҳазил хат екен,
Кӧпге маслаҳат екен.
Напси ғардай жездеге
Бир туйур қаҳат екен.

Вӧзиңдики вўз екен,
Жезде ала кўз екен.
Апа кесе мал сӧймақ
Жездеге пияз екен.

Уйге келип вӧйладим,
Хишларимку сийлади.
Қадр билмес қайнилер
Кал палавға байлади.

Тамчи жавун сел бӧмас,
Вӧниман жер ҳўл бӧмас.
Вӧттиз жил бақ куевдиң

Барисием ел бӧмас.

Зӧм куевлер кемейди,
Келиб зих ҳам бӧмайди.
Аччи пияз жедим деб
Гила-гидрет қимайди.

Вӧлар тӧғри қилади,
Вӧз қадрини биледи.
Аччи пияз жегинче
Қувурмани уради.

Тамчи жавун сел бӧмас,
Вӧниман жер ҳўл бӧмас.
Еллик жил бақ бирибир
Зӧм куевлер ел бӧмас.

Қайнем уйде бӧғанда,
Зиёфат ҳам серӧбдир.
Башқаларға қағанда
Мейман ҳали харӧбдир.

Қайне деген хӧш екен,
Бизге кўңли бӧш екен.
Кунде жатиб жесеңем
Лаген тӧла гўш екен.

Қайнем бӧса абатдир,
Мейман қабат-қабатдир.
Ҳурмет иззет жайида
Барған касел саҳатдир.

Вөзиңдики вўз екен,
Даим ширин сўз екен.
Ҳар ай басип барсаң ҳам
Сөйғани ширбаз екен.

Журегимди ачайин,
Ташайинда төлайин.
Айнама хиш бөғинча
Чечеме хиш бөлайин.

Журегимнен қақ тилдим,
Тилиб аттапқа илдим.
Дардлеримди чубатип
Етеке дастан қилдим.

Асмандағи ала қуш,
Баленд учмай пастге туш.
Куев қадрин сен гапир
Ешитсинлер бизиң хиш.

Палван авуз сиясат,
Залимлик ҳам сиясат.
Авзи ачиқ куевге
Аччи пияз зияфат.

Қавун пишсе төр бөлар,
Аҳак қатса бөр бөлар.
Яхши куев – намисли
Жамани беар бөлар.

Беарлиқти алайин,
Сөң етеке жаяйин.
Мениң қадрим шулма, деб
Көп жанжалди салайин.

Залим куев зөр бөлар,
Даим жайи тўр бөлар.
Ҳар уч кунде барсаям
Қуйруқ гўши бар бөлар.

Тамчи жавун сел бөмас,
Вөниман жер ҳўл бөмас.
Бир вөмир бақ бирибир
Бир хил куев ел бөмас.

«Асманда ай вөйнайди.
Жерде чавдеш қайнайди».
Шу заманниң куеви
Гўш жемесе қөймайди.

Асмандаги ақ булут,
Кеткен куевди унут.
Айда-жилда бир кесе
Қөлиға кал палав тут.

Етек журт бу-узақ журт,
Чегараси тузақ журт.
Жилда бара-бермесек
Езме жезденди унут.

Ай бөсин, аман бөсин,

Давлети асман бӧсин.
Бегӯш палавди қӧйип
Кейин пушайман бӧсин.

Асмандағи ақ каптер,
Дардиме тӧлди даптер.
Авзи ачиқ куевдиң
Аҳвели бӧсин баттер.

Етек журт бу-таш екен,
Халқи алабаш екен.
Миң бегана бӧсаям
Барсаң гӯшли аш екен.

Жайлавда жар уй екен,
Вӯз яринди суй екен.
Хишдан алем кӯргенде
Журегиңе туй екен.

Қӧтан тӧла қӧй екен,
Фақат тарбиз сӧй екен.
Семизгене тавуқлар
Тулкилерге тӧй екен.

* * *

## Апаниң айтқанлари

Етектеги катте бай,
Кӯп гила-гидретти қӧй.
Вӧзиң қанча нан бердиң
Аввел қӧйди вӧзиң сӧй.

Дőллар десе сенде бар,
Қőшқар десе сенде бар.
Эрőну, Қуддус, Рига
Сен учун зеру-забар.

Назиндай бар савлетиң,
Дőлтедан бай давлетиң.
Қайнилерди жаманлап
Қурисинда адетиң.

Қőй, гўш жемесең-жеме,
Хишларди нőмард деме.
Хуп гила қилиш учун
Кал палав бир баҳане.

Асмандағи чегиртке,
Туш жездеңди егерт ке.
Қувурма жемедим деп
Мени қőймасин гапке.

Вőпкемем халта бőлди,
Ағайин дўлте бőлди.
Нőмард ердиң алдида
Тилимем калте бőлди.

Пати аппақ кўк қарға,
Мунча жашинмай ғарға,
Ҳар жили баралмасам
Салем айт енемларға.

Базардағи ҳанделек,

Енемнен бер бир дарек.
Тушлериме киреди
Жеткиз мени ертерек.

Палекдеги қара қурт,
Журегимем жара қурт.
Ҳар жили баралмасам
Изимди кўзиңе сурт.

Адирдағи тулкилер,
Думлериңем ҳилпирер.
Вир тавуқти вўғирлап
Жездеңе зияфат бер.

Ағайиннар март бөса,
Бир малди басип сөйса.
Жезделердиң алдиға
Қари жиликти қөйса.

Шөнда булар вөчеди,
Ғийбатлашдан қачади.
Гўш жемесе хатинға
Заҳарини чачади.

Буйрегимде авур дард,
Қилди раңу-руйим зард.
Көшки буниң устиге
Ағайинлар бөса мард.

Бунда меним хишим кам,
Ер сўксеем ишим кам.

Менку гўштен безарман
Гўш чайнағич тишим кам.

Жездеңе сөйғин малди,
Кеп кöп гилалеп қалди.
Напсини тиялмастан
Башқа қиямат салди.

Уч кун жатиб жиладим,
Туриб кулче иледим.
Енем аман бöсин деб
Худайимнан тиледим.

Ҳасретимнен тав қилай,
Кипригимнен бав қилай.
Дардимнен қамиш тöқип
Енеме сабав қилай.

Кең майданға барайин,
Тавға чиғип қарайин.
Енем аманмекен деп
Шамаллардан сöрайин.

Сандиғимда жўмелек,
Қазанимда сумелек.
Енем авридим дейди
Мен етекте бедарек.

Ватанда шöра жавун,
Ҳасилге жöра жавун.
Ерте баҳар енемниң

Аҳвелин сӧра жавун.
Енеме айт, сағинса
Тиксин тӧрлама қавун.

Тӧрламаси тӧр бӧсин,
Палегием зӧр бӧсин.
Шу қавуннан татқанлар
Хишларға ғамхӧр бӧсин.

Эй худайим, худайжан,
Вўз енем бӧсин аман.
Ағайинам бар бӧлип
Қайишсин бизлер таман.

Ағайинлар бай бӧсин,
Дайра ташқин сай бӧсин.
Ҳар қайсиниң астида
Гижиңлеген тай бӧсин.

Каттелери баш бӧсин,
Хишқа меҳрдаш бӧсин.
Алис журтдан барғанда
Мейманам талаш бӧсин.

* * *

## Яна жезлениң ҳасретлери

Қиш асмани жамандир,
Кун чиғиши гумандир.
Бундай расва ҳавадан
Мениң кўңлим тумандир.

Бардим ҳава қиш еди.
Мениң кўңлим шиш еди.
Вӧн беш саҳат турғанға
Туе сӧйса пишеди.

Етек шаҳар - таш шаҳар,
Қанима қандаш шаҳар.
Гўшли палави серӧб
Ҳар қадамда аш шаҳар.

Етек шаҳар таш екен,
Ақсақаллар баш екен.
Таң атмай маҳалледе
Қӧш қазанда аш екен.

Палавлари гўшлидир,
Думбе, қази, тўшлидир,
Келинлери меймандӧс
Хийли если-ҳушлидир.

Ҳамсаялар саз фақат,
Катеклерде ғаз фақат.
Гӧҳ вӧйланиб қаламиз
Хишларимиз аз фақат.

Бунда еллер тӧқ дейин,
Ғамлариям жӧқ дейин.
Бир мейман бӧп кегинда
Гўшли ашти сӧқ дейин.

Адирдағи вӧтлақлар,

Вӧтлашади улақлар.
Хишқа ҳурмет бӧмаса
Куеди бу димақлар.

Димақларға дим басай,
Дайра ташса чим басай.
Гӯшли палав қистаған
Жаман напсимди асай.

Қишда қийин қар адир,
Вӧнда мейман хар адир.
Хишқа ҳурмет бӧмаса
Сав кӧңиллер жарадир.

Қулағимди тартайин,
Тӧхимимди артайин.
Ҳар беш жилда бир марте
Хатинди қидиртайин.

Шунда ҳурмет бӧлади,
Дастарханлар тӧлади.
Жездениң жиғилдани
Қуйруқ гӯшке тӧяди.

Иззетимди хар қилдим,
Ҳурметгеем зар қилдим.
Жугургилеп қадримди
Жермен барабар қилдим.

Жавунман жер ҳӯл бӧлар,
Арпа буғдай мӧл бӧлар.

Хишдан аған жигиттиң
Пешанаси шӧр бӧлар.

Тамчи жавун сел бӧмас,
Вӧниман жер ҳўл бӧмас.
Бир вӧмир бақ бирибир
Бир хил куев ел бӧмас.

Куевлер бе еб екен,
Арқасиға теб екен.
Барғанда кал палавға
Аччи пияз себ екен.

Қишлағам адир екен,
Куев бе қадир екен.
Манзилиге жеткинче
Куевге жабир екен.

Яз ҳаваси иссиқдир.
Жегенимиз суюқдир.
Бу дунйеде хишлиғам
Зияфатман қизиқдир.

Бардим асман қиш еди,
Ҳаммеси беиш еди.
Туе сӧйғанда гўши
Вӧн беш марте пишеди.

Маңа туе сӧймасин,
Кўп нерсеем қӧймасин.
Мениң бу дардлеримди

Вöшекеем жöймасин.

Меҳр бöса бас еди,
Башқа нерсе хас еди.
Тулкилерге жем бöғич
Бир хöразди ас еди.

Сувлариям кам адир,
Адамлар беғам адир.
Катте уйде бöмаса
Авқатам бе таъм адир.

Бардим ҳурмет аз бöлди,
Асманам аяз бöлди.
Напси ғардай жездеге
Шöр пиязам саз бöлди.

Тавлардағи чукури,
Гале аттиң дукури.
Енди адирди кўрсин
Чап желкемниң чуқури.

Куев деген таш ичсин,
Жулма, кескен аш ичсин.
Тавуқ гўш жеймен десе
Тулкиге шагирд тушсин.

Вўткезейин шу қишти,
Жийиштирайин ишти.
Устаға вўткирлетей –
Гўш чайнағич жах тишти.

Тулкиге шагирд тушей,
Хам бўсам енди пишей.
Вўнмеген несибени
Вўндиришге киришей.

Куев деген каж екен,
Тили бир қулач екен.
Ярми кесилсин десең –
Зияфатти чач екен.

Инсаф берсин яшларға,
Гўш қоймағич башларға.
Енди барсам қидирай
Узақ таву-ташларға.

Писте тавға вөрейин,
Хишларимди кöрейин.
Ҳар уй жанниқ сöймаса
Атим башқа қöяйин.

Вöзимдики меҳрибан,
Бир вöмирлик қадрдан.
Бир жанниқдан авдарар
Қишлақа тушкен заман.

Каттелери баш бöлар,
Мал сöйғичлар яш бöлар.
Кун сайин, саҳат сайин,
Мейманам талаш бöлар.

* * *

## Қайнилердиң қөшиғи

Учаятқан сар бургут,
Кегич мейманди уркит.
Мал сӧйсам, мал сӧймасам
Абийиримди беркит.

Тавуқларам баҳари,
Жумуртқаси аҳари.
Қирғини шӧ тулкиниң
Тавуқ бӧсин заҳари.
Тухум раҳатин кўрсин,
Гавжумқишлақ базари.
Беинсаф жезделердиң,
Тушмесин ҳич гузери.

Жезделер жим жӧғалса,
Вӧзи ечки бағалса.
Турли журтларда жириб
Ғийбаттиям сӧғалса.

Кўп дайдимей мал десе,
Майда чайнаб гўш жесе.
Кеӊ жайға кўчиб келип
Ечки қиса даңесе.

«Атирия, атири,
Ақ буғдайдиң патири».
Жездемди бир сўккичем
Жиеннердиң хатири.

Етек шаҳар таш екен,
Мейман бе бардаш екен.
Жездем ачтан вўлмесин
Жиеннерим яш екен.

Апа деген жигардир,
Жезде дигар-дигардир.
Апама қōшқар сōяй
Жездеге гўш бекардир.

Қиш асманда қишлайди,
Яхши куев ишлейди.
Қōтан тōла қōй қилиб
Сōң қабирға тишлейди.

Гапти ешит ҳōй жезде,
Дайдиликти қōй жезде.
Қōй-ечкини қиғинда
Гўшке сазлап тōй жезде.

Напсиңди сал байласаң,
Хишлиқтиям вōйласаң.
Гўш жегич жиғилданди
Етеклерге тайласаң.

Келдиңку яхши қилдиң,
Гўшти сен серōб билдиң.
Турли вōшек тарқатип
Журегимизди тилдиң.

Турсаң бир мал сōйғичек,

Каллением қөйғичек.
Жезде-қайни бир бөлип
Төдайлашип төйғичек.
Каллени жеп, вўшектиң
Кўзинием вөйғичек.
Вөнча-мунча гаплерди
Вўшеклерге жөйғичек.

Ешитип қөй ағайин,
Жетмиш қөчқар бағайин.
Умидкашлер бөйниға
Гўшден мөнчақ тағайин.

Жезделерем бар бөсин,
Қулақлари кар бөсин.
Наҳат бундай нөшукур
Тиллери заҳар бөсин.

Апалар устун бөса,
Жезделерчи гуң бөса.
Наҳөтки кўңли назик
Вөшекчи мижиң бөса.

Еркеке бул еб емес,
Бир жанниқ ҳич гап емес.
Енди бир қөй сөймасам
Қайнилик ҳисаб емес.

Зөр қөшқарди авдарай,
Сийирларди савдирай.
Қабирға-гўш бир таман

Вўмиртқа-тўш бир таман.
Маске-қатиқ мас қисин
Вўшектием бас қисин.
Қавун-тарбиз сўяйин
Жузим жувип қўяйин.
Жезде кел деб бақирай
Бажасини чақирай.
Жезделер бир жийилсин
Сўң тиллери тийилсин.
Учинчиси кемейди
Бизди хишам демейди.
Еки жездем бар бўсин
Тамақлари тар бўсин.
Қанча басип сўксем ҳам
Қулақлари кар бўсин.
Апалар ҳам кесинлер
Инимиз мард десинлер.
Жегину-тўй десинлер
Вўшекти қўй десинлер.
Жезделерим вўчсинлер
Қирли тавға кўчсинлер.
Вўнда зияфат қуюқ
Ҳам гўш бар, ҳам бар суюқ.
Қулунлар бар, тайлар бар
Хизир кўрген байлар бар.
Жулдузлар бар, айлар бар
Қизғалдақли сайлар бар.
Еки бажа гум бўсин
Гўшке тўйип жим бўсин.
Сўң пистетав вўрсинлер,
Бажаларин кўрсинлер.

Бажаси бир мал сöйсин
Ач бажалар хуп тöйсин.
Писте вöтин жахсинлар,
Сöң пистени чахсинлар.
Гуруңди қöйув қисин
Малди бир тöйув қисин.
Аччи пияз жемесин
Зияфат кам демесин.
Қувурма жеб жайнасин
Қöшиқ қöйиб вöйнасин.
Шералини қöйсинлар
Қуйруқ гўшке тöйсинлар.
Сöң енсинлер Гулабат
Базар кун дайим абат.
Сатувчилар хизметте
Турли мал қабат-қабат.
Базар кириб айлансин
Турли маллар сайлансин.
Жезделерим шад бöсин
Душманлари мат бöсин.

Бир хил куев зöм бöлар,
Кисе тöла сöм бöлар.
Қабағини тез уйгич
Димағиям тез куйгич.
Шöниң кўңли гумандир,
Екинчиси асандир.
Ҳақидир еллик грам –
Кўп турса тöхсан дирам.
Хурсанд бöлип кетеди
Қирлитавға жетеди.

Башқа хишлар бирбавур
Жезделигем бир давур.
* * *

## Яна жезденин ҳасретлери

Куев деген зӧр бӧлар,
Кӱнли беғубар бӧлар.
Куевлерге ғайиптан
Жиберген тумар бӧлар.

Куев деген жувашдир,
Париштелер сирдашдир.
Кечелери жирсеем
Хӧжаи Хидир жӧлдашдир.

*Куевди ит қаппайди,*
Ҳич албасти таппайди.
Куевге кӯз тиккенди
Қирқ чилтанлар баплайди.

*Бӧйдақлар тентек екен,*
Куев деген бек екен.
Жаши вӯткен бӧйдақти
Бӯкиртирип сӯк екен.

*Вӯмир вӯтер тахт қалар,*
Куевликдей бахт қалар.
Бахттан, тахттанам улуғ
Мавели дарахт қалар.

Мавелери мӧл бӧсин,

Қазан-табақ ҳўл бӧсин.
Қайнатаниң давлети
Куевге ҳалал бӧсин.

Еплегени мал асин,
Кисесиге пул сасин.
Еплемеген куевлер
Димағиға дим бассин.

Еплегени гўш жесин,
Қуйруқ, бавур, тўш жесин.
Еплемеген куевлер
Саргерден бӧп таш жесин.
Айда, жилда барғанда
Шӧр пиязли аш жесин.
Алис жӧлларди басип,
Аштием талаш жесин.
Айналайин кал палав,
Тезрек пиш, тез пиш жесин.
Қӧшқардиң қуйруғини,
Қарип-қарип хиш жесин.
Тахир, аччи пиязди,
Дангесе, беиш жесин.
Кесе шундейин ашти,
Ҳам язу, ҳам қиш жесин.
Дангесе куевлерге,
Жағади жейиш, жесин.
Тавуқлардиң тўшини,
Тулкидей бир хиш жесин.
Ҳилпиллеген гўшини,
Шӧндай вўткир тиш жесин.

Тиши вўтмес куевлер,
Пиязман гуруш жесин.
Айналайин калпалав,
Тезрек пиш, тез пиш жесин.

* * *

Байқуш палавдиң қӧшиғи

Уруғимди ектилер,
Кӧчет қилип тиктилер.
Астима сув қӧйдилар
Еки кўзим вӧйдилар.
Бӧлдим раса тинталав,
Мениң атим калпалав.

Башақ бӧлдим жулдилар,
Устимнен хӧп кулдилер.
Қайдадир даврӧн сурмек
Раҳатти кўрди курмек.
Курмек екен мижғалав
Атим бӧлди калпалав.

Жайдилар кең майданға,
Пахта артқич хирманға.
Қахшаттилар аттапқа
Келтирдилер хӧп тапқа.
Баштан вӧтти кўп синав
Бӧлдим ахир калпалав.

Тийирманда жанчтилар,
Биқинға хӧп чанчтилар.
Гуруч қилип шайлади

Қапчаларға жайлади.
Вӧн беш қапти тӧлдирип
Авзин симман байлади.
Шериклерим кӯп мижғав
Туртти, бӧлдим калпалав.

Чечем табақа салди,
Қапчадан вӯлчеп алди.
Таш-курмекти тердилер
Тавуқларға бердилер.
Устимнен қуйиб сувди,
Чечем яхшилаб жувди.
Сӧң қазанди асдилар
Қазанға сап бастилар.
Астимнан қӧйиб алав
Қилди ахир калпалав.

Аччи пияз жӧлдашим,
Қияматли сирдашим.
Қадрданим – қурдашим
Суюкли вӧмирдашим.
Қима мени кӯп сӧрав
Мениң атим калпалав.

Қара башти кӯп кӯрди,
Гӯшли чачти кӯп кӯрди.
Шӧр пиязди баврима
Егем вӯрмек қиб вӯрди.
Жездеге бӧлип талав
Бӧлдим ахир калпалав.

Душманларим мал гўши,
Ҳам қабирға, ҳам тўши.
Гўштиң мамаси бўған
Каттенемниң кундеши.
Қöл узатма бесöрав
Мениң атим калпалав.

Дастарханға тарттилар,
Жездеме гап қаттилар.
Ҳамсаялар бар эди
Уйем пичи тар эди.
Тöдайлашип урдилар
Сöң, ҳаммеси турдилар.
Мен жездеме қарадим
Хишларимди сöрадим.
Жездем айтди шаҳарде
Хишиң раса кўп деди.
Таң атмасдан саҳарде
Палавлар тöп-тöп деди.
Вö хишлариң кал емес,
Сендейин вöсал емес.
Думбе-қази яр деди
Гўшден чачи бар деди.
Мен ешитип қизардим,
Алемимнен бöзардим.
Пичи шеригим қалди,
Чечем жалақа салди.
Жеди қирғини тавуқ
Аязда урсин савуқ.
Тухум тувиштан қасин,
Ашге шöр пияз сасин.

Жумуртқаси жум бöсин,
Шу қишлахтан гум бöсин.
Жавунда кеген жезде
Сатқаи тухум бöсин.
Жезделердиң димағи
Ешшеке тöхим бöсин.
Тöвухлардиң тухуми
Базарда талаш бöсин.
Жездеге сöйғич хöраз,
Тулкилерге аш бöсин.
Вöни жеген нар тулки,
Жетти жилға жаш бöсин.
Бöзбала бöп, куевлеп
Уюрде талаш бöсин.
Урғачиси жеп тöйип,
Семиз қаламқаш бöсин.
Жунлерием ҳилпиреб
Текис-майин чаш бöсин.
Кече-кундуз «ҳа» десе
Ериге жуваш бöсин.
Жарқöтанда ириллап
Кундешлерге баш бöсин.
Кундешлери қарғаса
Вўткир ачувдаш бöсин.
Еринң ҳазилиге
Сал бебардаш бöсин.
Ери ахшам кемесе
Жер мушлап қарғаш бöсин.
Палчиларға жугирип
Ерди давалаш бöсин.
Кундешлерден сувитип

Уйге иссихлаш бӧсин.
Ери минен вўзиге,
Вӧттиз тавуқ аш бӧсин.
Тавуғи жӧқ байларға,
Кўңли қара таш бӧсин.
Ийти жаман жайларда
Ийт минен талаш бӧсин.
Аву барар амаса
Кўзлериде жаш бӧсин.
Хуллас, еки қӧш тулки
Тӧхсан тӧққиз яш бӧсин.
Вӧни кўриб хатинлар
Еримен сирдаш бӧсин.
Губнушкаларди алип
Леплерди бӧяш бӧсин.
Прическа қип, ериге –
Нағмаман қараш бӧсин.
Тулкилерге вӧхшатип
Қилиқлар уйқаш бӧсин.
Вӧни кўриб кампирлер
Чалиға қурдаш бӧсин.
Бӧйдақлиқларин еслеп
Қайта синфдаш бӧсин.
Жашинбавуқти еслеп
Таңгача яддаш бӧсин.
Вӧрақ вӧримди еслеп
Қайта меҳнеткаш бӧсин.
Пахта теримди еслеп
Партигиде таш бӧсин.
Жўеклерде жашинип
Чалиман вӧйнаш бӧсин.

Шумнихларини еслеп
Гапти алип қач бöсин.
Кейин гаплери қачип
Каратэ-кураш бöсин.
Кампири бöш кемесден
Қöш қöллап ушлаш бöсин.
Ҳалик салип чалини
Кўтерип тайлаш бöсин.
Чали инқиллап турип
Кампирди мушлаш бöсин.
Тайсöнға устазман деп
Раса бöкслаш бöсин.
Семиз епчил кампири
Чалидан сал жаш бöсин.
Бир ударман чалини –
Накаут қип баш бöсин.
Майип бöған байқуш чал
Туралмай жамбаш бöсин.
Кампирге кучи жетмей
Жамбашлап қарғаш бöсин.
Уч кун қувуғи шишип
Вай-вайлап ухлаш бöсин.
Байқуш кампир ухламай
Чалини вöйлаш бöсин.
Қилмишидан пушайман –
Кўңли раса ғаш бöсин.
Кампир кечею-кундуз
Чалди уқалаш бöсин.
Хамжавларди жилитип
Қöйув ишқалаш бöсин.
Салидöрди қайнатип

Вӧн марте байлаш бӧсин.
Ғиш қиздирип, таш басип
Дардди давалаш бӧсин.
Чалғанамнан пайда деп
Гўш берип асраш бӧсин.
Таң атмасдан буламиқ –
Тушке кескенаш бӧсин.
Ертен-ахшам аселчай
Раса абайлаш бӧсин.
Қасам ичиб, тӧвба қип
Зӧмнихти тайлаш бӧсин.
Уч кун бағип тузетип
Асте қитихлаш бӧсин.
Чали пичи наз қилип
Нармаған қараш бӧсин.
Кампири кулимсиреп
Чалбайди махташ бӧсин.
Чалдиң башини силап –
Сақалин тараш бӧсин.
Дап чалип қӧшиқ айтип
Булбулдай сайраш бӧсин.
Кампир ахир кўндирип
Екеви жараш бӧсин.
Уч сахат разбӧр қилип
Қайтадан қурдаш бӧсин.
Кампир айнаға қарап
Зулпини тараш бӧсин.
Чали таман сузилип
Асте жӧрғалаш бӧсин.
Чали кўзини қисип
Учирувчи қаш бӧсин.

Жамбашидан жай берип
Кампирди имлаш бöсин.
Вöн тўрт кунлик айсан деб,
Нағмаларға байсан деб,
Суви тиниқ сайсан деб,
Тиши жöқ мамайсан деб
Расаям махташ бöсин.
Қöйув гапберемен деб,
Кавуш апберемен деб,
Патек сапберемен деб,
Пулди запберемен деб
Байқушти алдаш бöсин.
Кампирини кўндирип
Зулпини сийпаш бöсин.
Намашамнан нармаған
Бирге тўшекдаш бöсин.
Нағмалари Лайлимен –
Мажнунға вöхшаш бöсин.
Ишлерини тамöмлап
Кўрпеге талаш бöсин.
Таң атарда тиришип
Яна аралаш бöсин.
Хуллас, чал минан кампир
Қатти меҳрдаш бöсин.
Қöша қариб жашлари –
Тöхсанға туташ бöсин.
Байқуш жуваш куевдиң –
Жегенлери маш бöсин.
Кўнмесе, меш қарниға
Аччи ачувдаш бöсин.
Ачувдашқа қöшимча –

Шөр пиязли аш бөсин.
Шуға шукур қимаса
Тамағиға таш бөсин.
Гўшти куев жегинче
Ийтге хамталаш бөсин.
Мен байқуштан бесарав
Бөлди атим калпалав.

### *Аччи пияз*

Гулабатта кең жулге,
Жайлав бөп тушти тилге.
Сув чиғип, қавун бөлип
Дастан бөлди чамбилге.
Шундай журтда бегўш аш
Батар екен кўңилге.
Буям майли шөрпияз
Ханжар бөп батти дилге.
Палавдан жөғал дедим
Адрақағир сабилге.
Сениң ашнаң гўш дедим,
Палавдан тез туш дедим.
Хийли масқара қибем
Пиязам кирди тилге:
-Жезде мунча уришма,
Маңа қарап тиришма.
Тағдиргенем қурисин,
Еркек пияз ирисин.
Бизди шөл жөлдан урди,
Сансиз вадени берди.
Ваъдеге вафа қимай,

Севгиниң қадрин билмей,
Вўзи жашинип қалди,
Бизди қапчаға салди.
Аттапларға жайдилар,
Сөң саяға қөйдилар.
Жездем қадам басқан кун,
Калпалавди асқан кун.
Бизди чечем туради,
Қулақларди буради.
Қулақ узилип қалди,
Чечем сатилге салди.
Ачувимизға чидамай,
Чечем жилабам алди.
Семиз едик, жаш едик,
Бизлер қалам қаш едик.
Бир-биримизден сулув,
Раса төққиз баш едик.
Тайяр гўшти турамай,
Каттелерден сөрамай,
Қулақларди буради,
Бирте-бирте туради.
Чапанимизди чешти,
Кўйлегимизден кешти.
Жалаңач қип тиғ чанчти,
Журеклердием жанчти.
Қабиримизди қазди,
Сөң калпалавға басти.
Бизиң тарихимиз шул,
Ҳаммеси аззап буткул.
Енде жездежан кулме,
Бурниңди кўп жийирма.

Етеке барғаниңда,
Кўплерди кўргениңде,
Бизди кўп вёсал деме,
Адрақағир кал деме.
Қадри кўп саяз деме,
Аччи шёр пияз деме.
-Майли пияз, тушундим,
Гаплериңе ишендим.
Ҳич кимге шёр самайман,
Бу сирдиям жаймайман,
Шу қалла барғанимда
Гўш жемесем қёймайман!
* * *
Эй сен, надан дадайлама,
Ел иштаҳасин байлама.
Қатқан нанға шукр қиғин
Хишлихтиям фикр қиғин.
Ай кўзлегич ат бёмадиң,
Елиңе қувват бёмадиң.
Вўз тинчиңди вёйлап кетип
Журт қёриғич зат бёмадиң.
Есиңдеме ач қағаниң,
Айлап беқурмач қағаниң.
Буғдай пишмей тахтек терип,
Бир қап унға тана берип,
Қара жавға сабзи салип
Шёрпа бёл деп хуп қайнатип,
Кебек нанди турағаниң,
Жеп қарниңди қурағаниң.
Арпа нанға шукр қилип,
Миң шукрлер зикр қилип,

Шу заманнарға жеткениң
Журтиңди тайлап кеткениң
Хишсан узахти вӧйлағин,
Ески адетти тайлағин.
Кӯңилди кең ал, тар бӧма,
Намисли бӧл, беар бӧма.
Парча нанға қарин тӧяр,
Нашукурлик кӯзди вӧяр.
Барсаң хишлар ниме қӧйса,
Қӧшқарма е тарбиз сӧйса,
Аш қӧяма, маш қӧяма,
Е алдиңа таш қӧяма,
Шукр қилда вӯчип жегин,
Раҳмет айтда қайтип кегин.

* * *

Балент адир дӧс адир,
Куевге мал чӧз адир.
Сӧң бир қӧшқарди сӧйип
Башқалардан вӧз адир.

2001 йил, декабрь, 2002 йил, январь.

## *УЛАМА ЧАЧ*

*(ҳазил)*

Дастарханга сиз қӧйған аш
калпалав-ма?!
Мейман жемес, лагенимде
қал палав-ма?!
Кӯңил учун мейман ашти
туртип-туртип

Қайтарип шӧ қазанима
сал палав-ма?!

Калпалавға кейин саған
улама чач.
Тузув бӧса лагеннерде
қалама чач?!
Уламани улағинча
сувуқ ашке
Шу гуручден қиса яхши
жалама, чач.

Улама чач ертели-кеч
узиледи.
Буни кўрип иштаҳаем
бузилади.
Улама чач қизларди
кўрген жигитлер –
Жӧл жӧғатип кўзлерием
сузиледи.

Сӧң уланған улама чач –
чач бӧмайди.
Мейманға ҳич гўшсиз авқат
аш бӧмайди.
Биз кегенде гўшли ашлар
қип қӧйсаңиз –
Мейман кўңни ийип кетер,
таш бӧмайди.

Барибир бу улама чач –

чачам емес.
Улама чач қизди ҳич ким
сулув демес.
Узун чашли қиз гуруңи
башқа бӧлар
Улама чач келинчекке
кӯңил чаппас.

Улама чач қиздиң башда
чачи алғаш.
Қақратқанда сав кӯңиллер
бӧлади ғаш.
Улама чач қиздиң жаши
вӧхшамайди
Узун чашли қирқ жашли қиз –
давамғи жаш.

Улама чач қизлар кӯңил
жаралайди.
Жигитлерден жигит сайлап,
саралайди.
Ҳаммесини улап-булап,
силаб-сийпаб –
Яна кеп гӯл бӧзбалани
аллайди.

* * *

Мени кечир сариғана
улама чач.
Вӯшеклерем шундайғана
бӧлама, чач.

Напси жаман, шайир
айнаң жиғилдани –
Дадайламай, гўшли ашқа
тӧяма, чач?!

Калпалавлар кўзлеримди
вӧяма, чач.
Е бай айнам гўшли ашлер
қӧяма, чач.
Дува қилай бай айнама
Худа берип –
Семизгене қӧшқар алип
сӧяма, чач.

* * *

Дастарханга сиз қӧйған аш
калпалав-ма?!
Мейман жемес, лагенимде
қал палав-ма?!
Кўңил учун мейман ашти
туртип-туртип
Қайтарип шӧ қазанима
сал палав-ма?!

Калпалавға кейин саған
улама чач.
Тузув бӧса лагеннерде
қалама чач?!
Уламани улағинча
сувуқ ашке
Шу гуручден қиса яхши

жалама, чач.

Мени аллап, сувуқ ашке
улап-улап.
Қалампирман-памедурди
булап-булап.
Уй егеси – бай акемниң
кўңни учун –
Бундай ашти бирге жедик
тувлап-тувлап.

Кўңилгеем урип кетти
калпалавлар.
Сатқай аш бўп жутапқана
қал, палавлар.
Шу яхлаған кечеги аш
тузув бўса –
Бўмасмеди егесиге
жал палавлар.

Гўшсиз-тўшсиз қаснақли бу
жилитма аш.
Памедуру-қалампирман
бўп аралаш.
Мейман қиған бай айнамниң
кўңни учун
Ашти жеген бўлдим менем
кўтермей баш.

Ачқаған напс ашқазанда
аш бўл, дейди.

Лагеннерде қалип кетмей
лаш бӧл, дейди.
Хаскапеде жавли гўшлер
уйур бӧлип
Қазаннардан калпалавлар
қач бӧл, дейди.

Кал бӧсаям жавли палав
қӧйув бӧсин.
Белге қувват, ашқазанға
тӧйув бӧсин.
Чашли ашлер учун
елдиң қазанида –
Семизгене бӧрдақилар
сӧйув бӧсин.

Калпалаву, улама чач –
булар ҳазил.
Ҳазилдием тушунувчи
ачиқ кўңил.
Кисе абат, бел бақувват
бӧса елем –
Гўшли ашем, қувурмаям
қӧяр дадил.

Гўшли-тўшли ашлер тӧла
қазан бӧсин.
Байқуш елге пул табишам
асан бӧсин.
Напсим қӧймай айтилған
бу гап-гуруңлер –

Дастансиз шу лақайима
дастан бӧсин!

2007 йил, июль.

***ТЕРМЕЛЕР***

*(ярим ҳазил)*

Куев деген ач екен,
Вӧннан узақ қач екен.
Куев ул бӧсин десең
Давлетиңди чач екен.

Куев деген зӧм бӧлар,
Иш десең қуян бӧлар.
Куевдиң кўзлегени –
Кисеңдеги сӧм бӧлар.

Куев деген яш екен,
Кисесиде таш екен.
Ташди атмасин десең
Салгене қараш екен.

Куев уйи қар екен,
Ҳавлисием тар екен.
Қайната сал қарашса
Кўңлием баҳар екен.

Куев балали екен,
Кисеси хали екен.
Қайнатаниң тапқани
Куевдиң мали екен.

Куев дегени камдир,
Авқатиям бе таъмдир.
Қайнатадан таммаса
Барекетем тамамдир.

Қизғаям ташвиш екен,
Кийгени калиш екен.
Атаси қарашмаси
Дарди бир балиш екен.

Қиз палахманташ екен,
Ҳамме вӧға баш екен.
Хишдан сада бӧмаса
Еки кўзи жаш екен.

Қиз бир хизметгер екен,
Ерге дардисер екен.
Сайиплар сӧрамаса
Аҳвели баттер екен.

Қафесге қуш керекдир,
Хамирға муш керекдир.
Ай сайин хабер ағич
Хатинға пушт керекдир.

Жандарға тиш керектир,
Ҳасилге қиш керекдир.
Ғардайин рузғар учун
Еркеке иш керекдир.

Қизларам даркер екен,
Қизға давлет бер екен.
Ар-намисли ағайин
Қизға мадетгер екен.

Қизи нанға зар екен,
Куев уйи тар екен.
Атасиниң ҳавлиси
Кунде малбазар екен.

Қиз бир қадрдан екен,
Вахтинча мейман екен.
Куев тузув бӧмаса
Қизам беватан екен.

Куевлер бежав екен,
Кийими жамав екен.
Қайнатаниң алдида
Ҳасретлери тав екен.
Қайната қӧлламаса
Табистан тумав екен.
Қайната сал қарашса
Вӧн еки ай сав екен.

Куевлер бебаш екен,
Қудаман жараш екен.
Қудаман жарашмасаң
Қиздиң кӳңли ғаш екен.

Куев деген гӳл екен,
Кисеси касел екен.

Қайнатаникке барип
Қаттирақ жўтел екен.

Куев мусапир екен,
Сал тамизип тур екен.
Келинлерден жаширип
Бар нерседен бур екен.

Куев тӧни зар бӧлар,
Жўрме чираз бар бӧлар.
Куев қирқи тӧлғинча
Ҳурлерден лашкер бӧлар.

Ул деген тиргек екен,
Атаға журек екен.
Яхши улдиң атаси
Вўз елиде бек екен.
Бенамус ул атаси,
Тар уйиде тек екен.

Ул дегени мас екен,
Жесе, кийсе бас екен.
Ата-ене алдида
Калле дайим пас екен.
Катте кўчеге чихса
Кеккейген хӧраз екен.

Қайната бул март екен,
Қизға дайим арт екен.
Куев бенамус бӧса
Аззабини тарт екен.

Қайната бул кең давлет,
Ҳаммеси райис савлет.
Қайнатаниң ҳавлиси
Куевлерге искалет.

Келин деген жаширар,
Сут пиширсе таширар.
Байқуш ене тапқанин
Қизиникке аширар.

Келинлерем бирбавур,
Искалетге қаравул.
Қизлар ташимасин деб
Бағар ахшамға давур.

Искалеттен ун алай,
Чай, шакер, сабин алай.
Қавун, тарбиз қуйруқгўш
Бир машин вӧтин алай.

Маске, сут, қатих бӧсин,
Тахта, шипир, мих бӧсин.
Айнам минан чечемниң
Қабағи ачих бӧсин.

Искалеттен жав алай,
Буғдайди тав-тав алай.
Майда харажетлерге
Пулди тӧққиз бав алай.

Қапқир итлер байлансин,
Қўш суеклер тайлансин.
Шундай искалетчиден
Ҳамме куев айлансин.

Қайнатаға қўшчимиз,
Ҳурмет қилиш бурчимиз.
Ҳа демесден бизлерем
Машҳур искалетчимиз.

Бавримди кең ачайин,
Махтанишдан қачайин.
Қадр билгич куевге
Давлетимди чачайин.

Ҳар куевге бир машин,
Уйем алип берейин.
Келинлерге сирға деб
Кўкден жулдуз терейин.

Кеселер қўшқар сўяй,
Қари жиликти қўяй.
Хатин кал палав қиса
Еки кўзини вўяй.

Дастарханди тўлдирай,
Бўмағанди бўлдирай.
Шашлик, манту, тавуқгўш
Сўң балиқ қувуртирай.

Шундай зияфат жесин,

Қайнатаман куевлер.
Ахир ерке куевди
Сийлаған пайғамберлер!

* * *

Қиш вӧчағи тар екен,
Асманам ғубар екен.
Кӯңли ачиқ инсанға
Язу-қиш баҳар екен.

Қиш асмани қар бӧлар,
Қӧйув туман бар бӧлар.
Нӧмарт дӧслардиң тили
Шу қишдай заҳар бӧлар.

Яз ҳаваси иссиқдир,
Мижезием қуруқдир.
Мен елимди вӧйласам
Кӯңлим чизиқ-чизиқдир.

Қирда вӧтав уй екен,
Жатип қимиз қуй екен.
Бегана ел ичиде –
Вӯз елиңди суй екен.

Ене деген пир екен,
Кең жаннетде ҳур екен.
Жетти қабат дунйени
Жаритувчи нур екен.

Ул хатинқули екен,
Хатинда пули екен.

Шундай бӧсаям йене
Хуп дувагуйи екен.

Ене деген қум екен,
Келинлери шум екен.
Бенамус ул – ташжурек
Чириген тухум екен.

Ене деген баш екен,
Улдиң кўңли таш екен.
Енеге заҳар чачиб
Хатинға жуваш екен.

Ата-ене асмандир,
Меҳрге бай макандир.
Жетмиш жиллиқ меҳнети
Жамав тӧлған чапандир.

Ата-ене кең давлет,
Хизметлери беминнет.
Еки дунйе, ҳам вўзи –
Ҳам руҳи берер мадет.

Асмандағи ақ жулдуз,
Макениңди бақ жулдуз.
Бабалардиң қисмети
Бизлерге сабақ жулдуз.

Ватан деген кең жулге,
Вӧнда ел бирге-бирге.
Елди вӧйлаб айланди

Журегимиз кўмирге.
2002 йил, февраль.
* * *

## *ДАВРЕДАШЛАРҒА ҲАЗИЛ*

Айна, бизем мейманиңиз,
Тўриңизге вўтейик.
Жизилласа қазаниңиз
Бизем андек кутейик.

Қанжалахтиң излериден,
Сездикки, мал сўйипсиз.
Муритиңиз жавларидан
Билдик, гўшке тўйипсиз.

Вўзгелерге табақ-лаген,
Гўшлер тартиң майлиге.
Машиниге калле, жўргем
Тўшлер артиң майлиге.

Вўзгелерге аширасиз,
Гўшлер, узатип қўлди.
Бизди есе шаширасиз
Кўрсетип катте жўлди.

Тең кўрилсин ҳар мейманнар,
Шул худаниң ирзаси.
Мўлла бўса вў адамлар
Бизем елдиң мирзаси.

Қирқтан ашип енди билип,
Ҳамме билгич нақалди.
Қаламдиям атиб жертип
Қойув қойип сақалди.

Елим деп чаң жалағинча,
Дастархани тöла бöл.
Елге мирза бöғиниңча
Тўрт авамға мöлла бöл!

2006 йил, январь.

***ҚАРАЖАЛ***

*(Афғонистонлик элатдошлар тилидан)*

Жали қара, қаражал,
Маңа жöлдаш қарамал,
Қуйруғида қош гупсар,
Сувдан вўткезгич тулпар.
Ҳамилерден вўткерген,
Кўкчелерде кўтерген,
Душманнарди дап қиған,
Қизилларди сап қиған,
Батирларди бек қиған,
Намартлерди тек қиған,
Пешанаси дўң жуйрик,
Жавурниям кең жуйрик.
Қулун бöлип тувилдиң,
Тайирсувда жувилдиң.
Улақларда ап салим,

Мениң сирдашим-малим.
Беклерге ҳавес атим,
Атим емес-қанатим.
Ҳамилерден вўткерсең,
Журтимизға жеткирсең,
Ағайинди кўрейик,
Сӧң ватанда вўлейик!

2003 йил, февраль.

## *МАСЛАҲАТ БЕР ТЕЛПЕГИМ*

*(ҳазил)*

Ел деп, елимнен бездим,
Ел деп дунйени кездим.
Енди камимди сездим,
Маслаҳат бер телпегим!

Камчиликти билейин,
Журегиме илейин,
Енди ниме қилайин?!
Маслаҳат бер телпегим!

Тӧққиз айлап ухлайсан,
Турип вўзиң ахлайсан,
Ишге жир деп дӧхлайсан,
Маслаҳат бер телпегим!

Жуннериңем жабишқан,
Силасам ҳадден ашқан,
Қундузсама, тавушқан?!

Маслаҳат бер телпегим!

Сени кийгенге раҳат,
Жўнеп чиғарип қанат,
Журегиде жалли ат,
Маслаҳат бер телпегим!

Асманда ай куледи,
Кимлигимди биледи,
Журегимди тиледи,
Маслаҳат бер телпегим!

Аттаптиңам нури кам,
Хутти қариген адам,
Вённан сен вўзиң бардам,
Маслаҳат бер телпегим!

Асманда ай жашинған,
Қуйируғини қашинған,
Хуп ҳаддиден ашинған,
Маслаҳат бер телпегим!

Жулдузлар узақ екен,
Дунйе бир тузақ екен,
Напс деген дузах екен,
Маслаҳат бер телпегим!

Бугун аяз, туман - бек,
Кун индемес, бөлип тек,
Бир-бириге сақлап кек,
Маслаҳат бер телпегим!

Асман булутли ҳава,
Вўртеди жава-жава,
Журегиме жӧқ дава,
Маслаҳат бер телпегим!

Қана, тез баҳар кесе,
Кунлер беғубар кесе,
Жӧғ жӧйилип, бар кесе,
Маслаҳат бер телпегим!

Асманда аяз келер,
Ҳали замат яз келер,
Кунлер чиғиб саз келер,
Маслаҳат бер телпегим!

Аттабам ийдиреди,
Тар кийим кийдиреди,
Жанашсаң куйдиреди,
Маслаҳат бер телпегим!

Жер деген қатти екен,
Гар жатсаң батти екен,
Душманнар атли екен,
Маслаҳат бер телпегим!

Ел титилген дан екен,
Дарди-ғами нан екен,
Алими надан екен,
Маслаҳат бер телпегим!

Ел яхшиси журт тузер,
Аббат қип гузер-гузер,
Мениң кўңним журт излер,
Маслаҳат бер телпегим!

Жер дегени лай екен,
Кирип бӧмас жай екен,
Дунйе бир тӧғай екен,
Маслаҳат бер телпегим!

Бир тайинли ишим жӧқ,
Узиб ағич тишим жӧқ,
Сеннен башқа хишим жӧқ,
Маслаҳат бер телпегим!

Дунйеем бир чекменташ,
Қайси адақ, қайси баш?!
Сенсен бугун емчекдеш,
Маслаҳат бер телпегим!

Адамнар қанға ташна,
Мени сен жӧлға башла,
Сенсен вўзиң зӧр ашна,
Маслаҳат бер телпегим!

Алис журтта тағайим,
Вўзиңсен зӧр ағайин,
Кел қаринди қағайин,
Маслаҳат бер телпегим!

Алисларда жӧлдашим,

Сувуқ кунде сирдашим,
Сенимен аман башим,
Маслаҳат бер телпегим!

Тапқан наним бир чайнам,
Тӧқ бӧсаң ҳар кун байрам,
Ҳам жӧрамсан, ҳам айнам,
Маслаҳат бер телпегим!

Асманимда ай вўзиң,
Қӧли ачиқ бай вўзиң,
Суви чуччи сай вўзиң,
Маслаҳат бер телпегим!

Ел дегени гўл бӧлар,
Жайлашқани чўл бӧлар,
Сенсиз башим ҳўл бӧлар,
Маслаҳат бер телпегим!

Ел маслаҳатке зарма?!
Е бир хил кўңил тарма?!
Армансиз инсан барма?!
Маслаҳат бер телпегим!

Қишам келди вўтип куз,
Сенимен қар куттик биз,
Ниеткеем жеттик биз,
Маслаҳат бер телпегим!

Башимда жалли жулдиз,
Жӧлдаш кечею-кундуз,

Е сувсарсан, е қундуз,
Маслаҳат бер телпегим!

Кече-кундуз бӧлип банд,
Ҳар саҳат, ҳар куним панд,
Вӯзиң ҳаммеден балент,
Маслаҳат бер телпегим!

Дунйениң ташвиши кӯп,
Жириппиз гаҳ аччи жеп,
Бир сени сирдашим деп,
Маслаҳат бер телпегим!

Пул бергенлер пул, дейди,
Қӧшип-қӧшип жул, дейди,
Елди аллап кул, дейди,
Маслаҳат бер телпегим!

Заҳариңди чач, дейди,
Қашшақлихтан қач, дейди,
Напсиңдием ач, дейди,
Маслаҳат бер телпегим!

Ишти жӧлға қӧй, дейди,
Жатип жеп, хуп тӧй, дейди,
Сӧң жӧғалар вӧй, дейди,
Маслаҳат бер телпегим!

Елди вӧйлама, дейди,
Ел ғамин худа жейди,
Кӯңлим елди кусейди,

Маслаҳат бер телпегим!

Қӧш-қӧш уйди сал, дейди,
Яна қошип ал, дейди,
Раҳат қилип қал, дейди,
Маслаҳат бер телпегим!

Напс - жӧлима кир, дейди,
Айтиб жирме, сир, дейди,
Тар жӧлларға жир, дейди,
Маслаҳат бер телпегим!

Сирдашқанам бир вўзиң,
Жӧлдаш бӧлип жир вўзиң,
Башимда вӧтир вўзиң,
Маслаҳат бер телпегим!

Мен жатқанда қаравул,
Башимдағи қирғавул,
Худайчи Лақай авул,
Маслаҳат бер телпегим!

Сенсиз қишта ҳалим – дат,
Ара кирмес ҳич бир зат,
Мухлисим Лақайабат,
Маслаҳат бер телпегим!

Елге барип ел бӧлай,
Кам елиме бел бӧлай,
Дӧсларға кел-кел бӧлай,
Маслаҳат бер телпегим!

Безар бөлдим шаҳарде,
Қишлақ барай баҳарде,
Намаз вөқип саҳарде,
Маслаҳат бер телпегим!

Чин жөлдаштиң вўзисен,
Башпанасан, кўзисен,
Бир лақайдиң сўзисен,
Маслаҳат бер телпегим!

2007 йил, февраль.

## *ДУВА ҚИҒИН*
*(ярим ҳазил)*

Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйге барип тамағимди
тақиллатай.
Тамақ қирип чечеңдием
жағиллатай.
Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.

Дува қиғин мен уйиме
тезрек қайтай.
Қөшиғимниң қағанини
уйде айтай.
Намаз вөқип, шеърлер
төқийинда жатай.

Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйде пичи чечеңдием
жағиллатай.

Дува қиғин қариннарам
қӧш чӧптара.
Дум-думалақ бӧлаяппиз
бара-бара.
Семириштен дава барма,
барма чара?!
Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйде пичи чечеңдием
жағиллатай.

Шериклердиң тамағиям
ғардай екен.
Уч кун жемей зияпатқа
зардай екен.
Кеттик десем, қулахлари
кардай екен.
Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйде пичи чечеңдием
жағиллатай.

Кӯп жегеннен жемегенем
тӧғри екен.
Насп дегени, вӯлсе тӧймас
вӧғри екен.

Тавеплер сав бөлай десең
аз же деген.
Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйде пичи чечеңдием
жағиллатай.

Ҳайитладиқ уйме-уйлер
жеп зияпат.
Қариннарам жарилғидай
бөп қатма-қат.
Қаринға жай бөлар екен
вөн хил авқат.
Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйде пичи чечеңдием
жағиллатай.

Шақиллатип жўнеб уйге
мен жим бөлай.
Шум кўринмей шу давреден
мен гум бөлай.
Езмелемей, шеърлер айтмай
мен ким бөлай?!
Дува қиғин мен туяхти
шақиллатай.
Уйде пичи чечеңдием
жағиллатай.

2007 йил, июнь.

## *УЧ ПИШЕК*

*(ҳазил)*

Ҳавлиңизде уч пишек бар,
бала пишек,
Ағу-қара, яна бири –
ала пишек,
Бири нажинс, екевичи –
сара пишек,
Екеви шум, ақллиси –
қара пишек.
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
бала пишек.

Бир еркеги ҳам бөзбала,
ҳам бек пишек,
Бир сидирғи, раса жуваш,
ҳам тек пишек,
Урғачилар дайим ташир
вўшек пишек,
Жатип алар гар салинса
тўшек, пишек,
Бир урғачи қараң, қартаң -
туршек пишек,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Чайналсаңиз учевием –
жугиреди,
Гўш жемесе миявлашип,
бўкиреди,
Гўшти кўрип дастарханнан

сакиреди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Қўли ачиқ мейманнарди
мӧралайди,
Тӧймай қаса уй егесин
қаралайди,
Мейманнардиң напсин бир аз
жаралайди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Урғачиси еркегиге
кўзин қисар,
Биргелешип вўзлериче
реже тузер,
Тизилишип мейманнарға
кўзин сузер,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Қарни тӧйса тӧдайлашип
гум бӧлади,
Вўчипкене авлақ жайда
жим бӧлади,
Урғачиси еркегиден
шум бӧлади,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Мал сўйсаңиз гўши
турап тузланади,
Пишек тўйип, гўшлерем
жиз-жизланади,
Еркегини кундешлер
зап қизғанади,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Еркек махлуқ ҳамме жайда
гўл бўлади,
Қарин тўйса шўхлихларам
мўл бўлади,
Урғачиси кўзин сузсе
тўл бўлади,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Еркек пишек кўңни анча
кең пишектир,
Шўхлиқлари дунйе минен
тең пишектир,
Пишеклердиң бўзбаласи –
эң пишекдир,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Урғачиниң екевием
кўңни тардир,
Еркегиге қандайдир кек,
зуғум бардир,

Исқатиниң барисиниң
напси ғардир,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Гўшти кўрсе қўл узатип
миявлайди,
Буни кўрип уй егеси
уялади,
Индемесең чайнектен
чай қуялади,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Мейманнарди гўш бергин
деп қийнайдилар,
Қарни тўйип байрам қип
хуп жайнайдилар,
Чишқаннарман жашинбавуқ
вўйнайдилар,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Баҳар кесе қирғинилар
мав бўлади,
Урғачилар қарни шишип
дав бўлади,
Емизекли пишек напси
тав бўлади,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Гўш амаса кўзиңизден
кўз узмейди,
Жӧлдашиға қарамайди
кўз сузмейди,
Вўзи тӧймай меймандиям
тӧйғизмайди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Бири башлар миявлашти
бири қӧйип,
Кўзлерини ағим келер
вӧйип-вӧйип,
Вўлемелер нан жеселер
тӧйип – тӧйип,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Қарни тӧйса наз қип қарнин
булкиллетер,
Кўзин қағип қуйруғини
силкиллетер,
Нағма қилип еркегини
гир-гирлетер,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Байқуш еркек ниме тапса
бўлишеди,
Урғачилар жеп устиден

кулишеди,
Бир-бириден рашк қилишип
вўлишеди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Шум пишеклер бу жегеннен
шишкен яхши,
Иштен қачмай меҳнетке хуп
пишкен яхши,
Уч ачкўзден бир адепли
чишқан яхши,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Учте қорқақ тайяр гўшти
жеп-жеп жатмай,
Дōңиздайин тареңлешип
шишип кетмей,
Тōдайлашип калемишке
кучи жетмей,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Бир самсени уриб-алип
бōйин керди,
Кўрпечени кўрип чихти,
тайлап жерди,
Қабағиңиз сал ачилса -
Худа берди!
Ҳавлиңизде уч пишек бар,

ешшек-пишек.

Авқатини жемес излеп,
тавуп жерден,
Чишқан авға тап бермейди
сира гарден,
Тайяр гўшке чавуп келер
қайси гўрден,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Миявлашип қабағини
қўмпайтирар,
Нан берсеңиз башересин
хўмрайтирар,
Зиқнасан деп меймандиям
уялтирар,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Жалпаңлашип бергениңе
шукур қимас,
Вўнча-мунча гўшмен сира
қарни тўймас,
Қўй жўғалсин, бир авуз гўш
кўзди вўймас,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Мейман кесе гўшли ашмен
табах тузет,

Пишеклерди мейман минан қип
бетме-бет,
Гўшти пишек, сен гуручти
жегинда кет,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Индемесең тиззеңде
зап ирғишлайди,
Иссиқ жайда сувуқ урғур
зап қишлайди,
Гўш тиймесе меймандиям
қарғишлайди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Урғачилар еркегиге
жағ-жағлайди,
Гўш бермесе мейманғаям
кек сақлайди,
Чай қайнаған чавдешдейин
вақ-вақлайди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Бужмайсаңиз бозаришип
қарап қалар,
Кўз мизғиса қойниңизға
кириб алар,
Ҳайван емес, ҳайваннихтан
чиққан вөлар,

Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Гўш бергенмен бермегенди
зап биледи,
Уришсаңиз тикрейишип
гап иледи,
Жўнесеңиз устиңизден
хуп куледи,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Шеър язсаңиз езмелеме
жим бўл, дейди,
Вўсал қимай бу ҳавлиден
гум бўл, дейди,
Шайир бўса вўз жўлиға
ким вўл, дейди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Бу ачкўзлер адетини
тайлашмайди,
Буни кўрип жеген ашим
жайлашмайди,
Шуларминан чимчиққанам
сайрашмайди,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Мени кўрип, атайлашип

тизиледи,
Қилиғиға иштаҳаем
бузилади,
Шуйтипкеге ағайинник
узиледи,
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Қишлахта бар бир пишегим
айдайғана,
Напси бундай ғардай емес,
майдағана,
Жатар жайи, авлар жайи –
сабанхана,
Бизиң пишек бир адебли,
бир тек пишек.

Вӧ пишегим калемишти
урчип алар,
Мейман кесе қуллуқ қилип
таъзим салар,
Асмандағи чимчихтиям
чӧрчип алар,
Бизиң пишек бир ғайратли,
бир бек пишек.

Бизиң пишек қӧл-бетини
жувалади,
Ҳар баҳарде тўртте-тўртте
тувалади,
Сиз барсаңиз қӧлиңизға

сув алади,
Бизиң пишек чақанғана,
бўлек пишек.

Чишқан тугул калемишти
қувалади,
Халле тапса байқуш итке
суғалади,
Кучук минен алишқаям
чиғалади,
Бир ғайратли, бир арслан
журек пишек.

Сизиң пишек дастарханда
кўп беадеп,
Учевием мени қарғар
жўғалсин деп,
Менем шеърди язаманма
шуларға кеп?!
Ҳавлиңизде уч пишек бар,
ешшек-пишек.

Ахмақ пишек сен бизлерден
нари жиргин,
Насибемди заҳариңе
майли жегин,
Жеп жўғалип, миявлашип
гўрге киргин,
Сен бенамус, учевиңем,
ешшек-пишек.

Саңа қарап қабақ уйсем –
егең малал,
Майли жиргин меймангўши
жеп бемалал,
Меннен тартип жеген гўшиң
бўсин ҳалал,
Сен ахмахтиң баригенең,
ешшек-пишек.

Кел яхшиси, маңа ашна
сен жанашма,
Ата-енең жўгилермен
қариндашма?!
Яки мениң напсим жаман,
кўңним ташма?!
Сен ачкўздиң учевиңем
ешшек-пишек.

Тиленчилик сав жанзатқа
жарашмайди,
Тиленчиге жаратқанам
қарашмайди,
Дангесемен чишқаннарам
сўрашмайди,
Сен тайярхўр учевиңем
ешшек-пишек.

Баҳар кесе мав бўғаниң
билинеди,
Сўң уйленип ала хўржин
илинеди,

Тўртте тувсаң журегиңем
тилинеди,
Сен уятсиз учевиңем
ешшек-пишек.

Ата-бабаң алғир бөлип
кун вўткизген,
Бугингини ертенгеем
жеп жеткизген,
Мейман кесе ҳурмет-иззет
қип кеткизген,
Сен наданниң учевиңем
ешшек-пишек.

Шу бугуннен дастарханда
ҳич кўрмейин,
Қассам ичип, насибемди
ҳич бермейин,
Сенерди деп шеър язаман
деб жирмейин,
Учевиңем бир бетавфиқ
ешшек-пишек.

2007 йил, август.

## ***МАХТАВ***

Майқөрғанниң қөйувғана
майи яхши,
Қөш қабатли, қөш қазанли
жайи яхши,

Дастархани дайим ачиқ
байи яхши,
Гижиңлеген ақ «Нексия» -
тайи яхши.

Майқөрғанниң кўчесиде
мөлласи кўп,
Қазаннари гўшмен ашге
төласи кўп,
Набат чаймен, мейман ичер
Көласи кўп,
Худа берген давлет, малу –
дуняси кўп.

Майқөрғанниң Көшөнада
байлари бар,
Ҳавлисиде салқинғана
жайлари бар,
Елим деген яхшиғана
вөйлари бар,
Пул тапқанда гўшли-гўшли
төйлари бар.

* * *

Лақайимнинг ҳам ғайрати,
ҳам ари бар,
Журегиде қуяши бар,
ҳам қари бар,
Вўтмишиде тақдириден
ғубари бар,
Алла елге бергин деген

бир зари бар.

Кештелерде Лақайимниң
изи бардир,
Алла берген, алла деген,
сўзи бардир,
Булағида аққан-балққан
кўзи бардир,
Вўтмишию-бугуниде
вўзи бардир.
2007 йил, август.

## *ГЎЛ БÖЛАДИ*
*(ярим ҳазил)*

Кўп бириксе қöшилишип
ел бöлади,
Ел жийилса гуруңнерем
мöл бöлади,
Бу гуруңнен қуруқларам
ҳўл бöлади,
Бари бир шу ел дегени
гўл бöлади.
Жийған пули бир кун келип
сел бöлади.

Алим чихса лақайлар ҳич
шашмайдилар,
Китап яз деп ҳичем
давалашмайдилар,

Уйлер қурип рузғаридан
ашмайдилар,
Байлариям елим деп кўп
ташмайдилар,
Бари бир шу ел дегени
гўл бөлади.

Рассияда уллари дөллар
қилади,
Вөқиғани жөқ елини
бар қилади,
Деҳканнари катмен минен
жер қилади,
Шайирлари елин махтап
шеър қилади,
Бари бир шу ел дегени
гўл бөлади.

Алимлери жанин қийнап
китаб язар,
Кече-кундуз журегин қип
зардаб, язар,
Пул жийип, уй сағаннари
вөннан вөзар,
Бари бир шу ел дегени
гўл бөлади.

2007 йил, сентябрь.

## *ҲАБИБУЛЛА АКЕГЕ*

Бабалардиң ниетиге
биз жӧлдашмиз,
Бир вўмирге кучсиз елге
биз қӧлдашмиз,
Бардаши кам шу улусқа
биз бардашмиз,
Желкеси тар елимизге
желкедашмиз,
Ел деген ел шерлериге
биз сирдашмиз!
2006 йил, декабрь.

## *ҚУТЛАВ*

Қулли бӧсин, машиннерди
тӧйға миниң,
Гўшли-тўшли зияпатли
жайға миниң,
Айди излең, айди кўзлең,
айға миниң,
Айман бирге жулдизли кенг
сайға миниң.
2007 йил, апрель.

## *КЎК ТАЙХАР*
*(ярим ҳазил)*

Ешшек жирмес вўрлерге,
Вўрелеткич кўк тайхар,

Мурде кирмес гӯрлерге –
Гӯрелеткич кӯк тайхар.

Авур-авур мушкилди,
Чечип бергич кӯк тайхар.
Ҳич пичилмес тӧнларди
Пичип бергич кӯк тайхар.

Пияладағи заҳарди,
Ичип бергич кӯк тайхар.
«Тилла чич» деп тувлатсаң,
Чичип бергич кӯк тайхар.

Жанадағи жантахти
Тарбиз қиғич кӯк тайхар.
Тилсиз еркек қамишти
Қӧбиз қиғич кӯк тайхар.

Мӧмин – қабил чалларди,
Алчаңлатқич кӯк тайхар.
Тиним билмей айналип,
Напсге батқич кӯк тайхар.

* * *

Сени кӯрсе кӯз қисади
асманда ай,
Дайра қалип, дава бӧлар
сасиған лай,
Хатинини «аке» дейди,
миң қӧйли бай,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кӯк тайхар,

ҳам кўк бабай!

Чақалахти бешиктенем
турғизғич сен,
Каселлерди тўшектенем
турғизғич сен,
Жигитлерди вўшекминен
урғизғич сен,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Айналсам-да, шу кўккене
қөтир жузиң,
Гаплериңем қарувлидир,
палван – сўзиң,
Бу дунйени ҳам бизғич, ҳам
тузгич вўзиң,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Беинсафти төхсан хил қип
тавлатасан,
Авланмағич кийиклерди
авлатасан,
Асав-асав байталларди
тувлатасан,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен хаҳлесең дангесени
вөздирасан,

Жуйрик, чақан, пайкечини
тӧздирасан,
Абат, маккем ишлердием
биздирасан,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Аяздағи мизлардиям
қиздирғич сен,
Ҳич узилмес занжирлерди
уздиргич сен,
Қирқ жиллиқ кар қулақларға
сездиргич сен,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Емчекдешмен-емчекдешти
уриштирғич,
Бир-бирини кўрсе бетин
тириштирғич,
Табистанда пули жӧхти
қариштирғич,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Ҳам яшу, ҳам қарилерди
бант қип ишмен,
Чайналмағич чандирларди
чайнап тишмен,
Қӧш қариндаш, емчекдешти
қилиб душман,

Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Қарлардиям қалап-қалап
жандирғансан,
Ҳич қанмағич напслердием
қандирғансан,
Емчекдешти емчекдештен
тандирғансан,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Аке-уке, апа-сиңил,
сен деп малал,
Шеру-жӧлбарс бир сени
деп қарабақал,
Сен бӧмасаң бӧзбалаям –
юз жашли чал,
Сен мӧл бӧсаң юз жашли чал –
қарасақал,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен баш бӧсаң жигитлерде
тумшуқ балент,
Сени кўрсе зап учади
чимчиқ балент,
Кенг дайрадан бӧлип кетер
балчиқ балент,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен бӧмасаң дананиңам
шасти пасдир,
Ағайинли жигит – тақа,
ҳам бекасдир,
Кўк тайхарсиз кең дунйеем
бир қафесдир,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сени кўрсе ташбақаям
қанат қағар,
Тӧғри аққич дайраларам
чаппа ағар,
Ийт кеп пишек қулағиға
сирға тағар,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен бӧмасаң бӧзбалада
кисе касел,
Жав ичиде гўшлер сасип,
айнип асел,
Кўпти кўрген ел ағаси
бӧлип вӧсал,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сени кўрсе қурбақаға
пар чиғади,
Урғачиниң авзи палван –

нар чиғади,
Жетмиш жиллиқ жӧғатқаниң
бар чиғади,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кӯк тайхар,
ҳам кӯк бабай!

Тикенеке какуликти
қӧндирғансан,
Бу дунйеде жӧхти жӧйип
жӧндирғансан,
Зӧм шайтанди жӧлиңа сап
кӯндиргенсен,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кӯк тайхар,
ҳам кӯк бабай!

Мен-мен деген жузгирлерди
жандирғансан,
Раса балент давушларди
тиндирғансан,
Сӧмлардиңам белин қисип
синдирғансан,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кӯк тайхар,
ҳам кӯк бабай!

Сен бӧмасаң текис жӧлда
жар чиғади,
Ел данаси кенг давреден
хар чиғади,
Елди баққан, парча нанға
зар чиғади,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кӯк тайхар,

ҳам кўк бабай!

Сен қолласаң шайтанниңам
тили узун,
Вўтирикчи, кал, наймиттиң
жöли узун,
Дана қалип, наданнардиң
қöли узун,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Қияматли дöслардиям
ажратқан сен,
Миллион жиллиқ арғамчини
қақратқан сен,
Вöхшамаған туйуннерди
вöхшатқан сен,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Дöслардиям душман қилип
берип палли,
Ҳалик салип, бел синдирдиң
балли-балли,
Аслиде-ку енең беззат,
атаң галли,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Дöслардиңам капесиге
вöт қöйған сен,

Чайин ичип, вўшек айтип
кўз вўйған сен,
Қанин ичип е тўймаған,
е тўйған сен,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Тумшуқ тихсаң бир хил жайда
дўслар араз,
Намазхан бир мўмин жигит
чўчқадай мас,
Ағайинди талаштирма,
қил енди бас,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Байқуш филди жасқанчақ қип,
қип тавушқан,
Ҳамме ишке тумшуқ тиғип
аралашқан,
Ата минан уллар душман,
жағалашқан,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен бекевул бир хил иште
бектир вўшек,
Тағa-жиен, бўлелерем
ийтли – пишек,
Бургелерге тўлип кетер
кўрпе-тўшек,

Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен хаҳлесең ғийбат-вўшек
жим сасийди,
Қудағийлар димағидан
дим сасийди,
Етлигене ширбаз гўши
қум татийди,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Евро минан вўзиң бӧлип
вӧйнаш-ашна,
Бир-бириңе нағмаю-наз
қип карашма,
Баъзи пайтда екевиңем
қанға ташна,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Бир нағмаман шайтандиям
жӧлихтирған,
Шер билекли жигитлерди
талихтирған,
Даву-далбе, ким жӧлихса
улахтирған,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Батқақларға батқан ишти

жиргизгич сен,
Турмас тири – мурделерди
турғизғич сен,
Бесаватти институтқа
киргизгич сен,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Сен мöл бöсаң қабахларам
ачиқ бöлар,
Қайға барсаң насибелер
чачиқ бöлар,
Бöмасаңам тазза вўмир
балчиқ бöлар,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Жуз кўришмес душманнарди
қилип сирдаш,
Авуз - бурун вўбиштирип
қип қариндаш,
Қизин - келин, улин - куев
қип башма – баш,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

Қабақ ачсаң чўллерде сув
ағип қалар,
Баҳар бöлип, қушлар қанат
қағип қалар,
Лақайимниң китаплери

чиғип қалар,
Ҳа, кучиңнен, ҳам кўк тайхар,
ҳам кўк бабай!

2007 йил, август.

### *АБДУВАҲӦБҚА*

Дунйе деген шундай екен,
бирев гадей, бирев-чи бек.
Бирев уй ап, қаср салиб,
бирев пулсиз вӧтири тек.
Биревиде қӧш-қӧш машин –
биревде жӧқ ҳарам ешшек.
Бирев гўшке бўкип, бирев –
нанға тӧяр сийрек-сийрек.
Парве қима ачиқ кўкрек,
сен ғам жеме дайра журек,
Жаратқанниң бизлергеем,
атағани бӧса керек!

Бирев адахларда қалип,
бирев вўтер тўрлеп-тўплеп.
Бирев жарамас енишке –
бирев чабар вўрлеп-вўрлеп.
Бирев саяңа таъзим қип,
бирев сўгер гўрлеп-гўрлеп.
Парве қима ачиқ кўкрек,
сен ғам жеме дайра журек,
Жаратқанниң бизлергеем,
атағани бӧса керек!

Биревдиң давлети ташип,
қараңа тунде жалтирар.
Чарасиз бир пулсиз байқуш –
тал табистанда қалтирар.
Пули бар жӧхти жӧндирип,
пулсиз ашини алдирар.
Парве қима ачиқ кӯкрек,
сен ғам жеме дайра журек,
Жаратқанниң бизлергеем,
атағани бӧса керек.

Пул-мансепсиз илм деген,
жетип бӧмас манзил екен.
Бунда илмли жасқанчақ,
мал-давлетли дадил екен.
Биздеги бар мал дунйемиз –
дунйе сийған кӯңил екен.
Парве қима ачиқ кӯкрек,
сен ғам жеме дайра журек,
Жаратқанниң бизлергеем,
атағани бӧса керек.

2007 йил, сентябрь.

## *НАСАҲАТ*

Аяхта куч бар екен,
жугиргиниң.
Уртиңда куч бар екен,
тукиргиниң.
Бундай бурун ҳамме вахт

бӧлабермес,
Бурниң барда ғайратман,
шуңгиргиниң.

Вўмир вўтсе бар кучем,
қачип қалар.
Елге жетер миеңем,
ачип қалар.
Баденнериң ачишип,
чанчип алар.
Куч бар екен ҳаликти,
илдиргиниң.

Ел ағаси вӧн беште,
чечен бӧлар.
Вӧн саккизде кучием,
бир чен бӧлар.
Вӧн тӧққизда даврегe
баш бӧлади.
Жийирмада жӧлбарсдай
кучке тӧлар.
Куч барида кучиңди,
билдиргиниң.

Ақ ниетли жигитлер,
шӧх бӧлади.
Елди кўрип кўңнием,
тӧх бӧлади.
Жигиттиң айтқан габи
жерде қамас.
Чеченниң айтқан сўзи –

вӧх бӧлади.
Ҳазиллешип дӧсларди,
кулдиргиниң.

Март жигитлер елини,
қӧрихлайди.
Ели азса, елимен,
арихлайди.
Шу улустиң белиге
қувват бӧлип,
Ели жиргич жӧлларди,
жарихлайди.
Ел бӧсаң, сен еллигиң
билдиргиниң!
2007 йил, апрель.

## *БОЙДАХЛИҚ ГАШТИ*
*(ҳазил)*

Еркеклердиң абийири
хатин екен,
Хатинсиз кун чоғи вўчкен
вотин екен,
Жалғизлихта е жатмаң,
е жатиң екен,
Хатин кетип қазан
жуваятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Авқатқа еркектиң
қоли бармайди,
Шалаға-вотинға
жоли бармайди,
Еринип гирдиден
чўпчек қармайди,
Дутке дамди берип
қуваятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Гаҳ куйиб, гаҳиде
пишмей авқатлар,
Тамахлар тақиллап,
тақ боп тақатлар,
Ач қаринға жахмай
гуруң-суҳбатлар,
Нанға пияз қошип
ураятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Изғирин бу қишта
куннерем сабил,
Хатин жилитмаса
жилимас кўңил,
Печкеге жанашсаң
ичи тола кул,
Енкейип куллерди
алаятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини

сураятирмиз.

Хатинсиз имиллап
ишиң питмейди,
Бул байқуш бойдақ деп,
вахтам кутмейди,
Қарин қуралмаса
куниң вўтмейди,
Турпти тўрт бўлек қип
тураятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Жатай десең қурғур
кўрпе тишлейди,
Билмедим, бойдахлар
қандай қишлайди?!
Хатинсиз етекте
қайтип ишлейди?!
Кўплерге ҳавесмен
қараятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Чиккаю, пикка боп,
вўтип бу куннер,
Буни тушунмейди
қойни бутуннер,
Бундай бойдахлихти
урсинда жиннер,
Ийт жатип, мирза боп

тураятирмиз.
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Таң атса шашилип
жўнеймиз ишке,
Ҳар қадам қошилип
ташвиш-ташвишке,
Чидаймиз биз қойип
тишлерди-тишке,
Ғижим кийим кийиб
жираятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

Гуруңсиз дунйеем
туйнуксиз тандир,
Беш кунник дунйеде
тинмаған жандир,
Раҳатини билген
инсан - инсандир,
Улфетлермен суҳбат
қураятирмиз,
Бойдахлиқ гаштини
сураятирмиз.

2007 йил, 2 декабрь.

## *МИҢ ВЎШЕКЕ БИР ВЎШЕК*

*(ҳазил)*

Таң атмасдан жийилмасдан,
Вўзи жатқан тўшеги.
Ҳар авулда башланади
Хатиннардиң вўшеги.

Ниме емиш, палан еркек,
Башқаға сўз қатипти.
Ахшам есе - бермен емес
Нарман қарап жатипти.

- Ешиттиңме, вўткен кун боп,
Ана уйде зор жанжал.
Бир-биримен ийтли пишек –
Бири – бириден малал.

- Шайир акем шеър язипти,
Бир сулувға зар, емиш.
Шеъридеем ул тилепти
Бирен габи бар, емиш.

- Паланчаям духи сасип,
Кўзлерием войнайди.
Қош хатини боса керек –
Ас авқатқа тоймайди.

- Палан еркек хатиниға
Тилла сирғалар таққан.
- Тили калте, тағадида
Адирға қазиқ қаққан.

- Қоли ачиқ, кисесиге

Пачке пулларди тиққан.
- Қой-қой вони кўп махтама –
Қошиғи билтир чиққан.

- Билтир мынав бузруклерди,
Зиярат қип қайтипти.
- Жоқ-жоқ асли бундай емес –
Намақуллар айтипти…

- Паланчаям дарсханада,
Қизларға берип сабақ.
Уйде вўмир шеригиге
Ачмайди сира қабақ.

- Паланчаниң ери ахшам,
Бўлек уйде ухлапти.
Жайиңизға жатиң, десе -
Хатинини дохлапти.

- Паланчаям чалбар, жолап,
Чешмейгене жатипти.
Байқуш хатин чечемен деп
Шуйтип, таңлар атипти.

- Буни ешит, ахшам анав,
Ерини зап қийнапти.
Еркегини накаут қип
Устун болип сийлапти.

- Еркеклердиң барисием,
Уйде беҳал, уйхучил.

Бир гаплери бар, кўчеде
Кўз войнап, гаплер дадил.

- Бир гўдеке кўзим тушти,
Улларинңнинң тус вўзи.
Енесинңин қулағида –
Сенинң сирғанңнинң кўзи.

Еринң чатақ, сеннен жулип,
Шоникиге тиғади.
Вўн беш жиллиқ жоғатқанинң –
Кундешинңнен чиғади.

- Дарегинң жоқ, сенинң еринң,
Елу-журтти кулдирген.
Писте тавда ешшегиге
Бир бавени миндирген.

- Келиб намаз башлап, ғафлет –
Уйхусидан воянди.
Алти жайди зиярат қип
Товбасиға таянди.

- Ана акемнинң енеси,
Ул мейриге зар екен.
- Ули яхши, келинининң –
Кўнңи раса тар екен.

- Паланчининң ери дайим,
Бир куннен сонң дежурни,
- Енди башқа ниме десин –

Шўй деп ахлар вўзини.

- Во хатинниң ери такси,
Кунде байларди ташип.
Пул кўбейип, тумшуқ вўсип –
Кетти ҳаддиден ашип.

- Пулим жох деп, табистанда,
Тўрт ханали там салди.
Қағаниға инамарка –
Жап-жаңа машин алди.

- Паланчиям хатин амай,
Жири байқуш бежурек.
- Машинини зиңиллатип –
Вондаям боса керек.

- Ана акем, машин минип,
Кунде қаннап узақа.
Башқасиман қанниқ войнап
Илдиргендир тузақа.

- Айнамниңам жамбашида,
Бирев жири какулли.
Чачти кесип бояшидан
Бўлек миллет шекилли.

- Салқин тушти ана акем,
Рассиядан кемейди?
- Хатини бар, жаширади
Биревге сир бермейди.

- Мынавсиям ертен-ахшам,
Рассияға жўнепти.
- Малдаванкани сағинған
Қалиң, десе кўнмепти.

-Нарғи акем банкке барип,
Улларидан пул апти.
Уч кун кемей ичип-жепти
Хатини бепул қапти.

- Қайнимдеем тумшуқ балент,
Бизге салем бермейди.
Хатинчасиям байбиче –
Чиғип пахта термейди.

- Ашиң пишмей ери-хатин,
Кўзин сузип келеди.
Вўзи хасис, елди жийип
Нан беришге вўледи.

- Биреви нас атип дайим,
Биреви папурускаш.
- Анав бахил, мынав жаман
Анавсиниң кўңни таш.

- Тохимланған ана ешшек,
Калтеклесең қашмайди.
Егесидей бахил, ҳаңрап –
Гапти-гапке қошмайди.

- Сийириям сумеңнеген,
Ҳавлимизди марайди.
Сути суюқ, қисир қағир –
Барсаң мўңреп қарайди.

- Алапари қурғур кунде,
Бизиң ийтти талайди.
Сал қойуврақ дутиң чихса
Келип қазан жалайди.

- Пишегием егесидей,
Кузек қисир қалади.
Чишқан қалип, ҳавлимизден
Чорчип чимчиқ алади.

- Тавуқлари хоразиман,
Жашинбавуқ войнайди.
Таң атмастан ҳир-ҳирлашип
Ухлағали қоймайди.

- Буям майли хорази кеп,
Тавуғимди қувади.
Қурип кеткир тавуғимам
Шоникиде тувади.

- Чибичием чибжиңнаған,
Егесиге вохшайди.
Байқуш такем, кўрсе куйип
Ишқ дардиден қахшайди.

- Қирғинининиң ана қойи,

Жилда егиз тувади.
Қозилари раса бахил –
Бизикини қувади.

- Савған сути саз уюмай,
Қатихлари ачийди.
Ҳамме уйи тола бурге -
Барсаң тенең қичийди.

- Кундуз барсаң чибиннари,
Леплериңди жалайди.
Қаш қарайса қирғинининң –
Пашшалари талайди.

- Нан жавубем билегимди,
Жизиллатти тандири.
Вотинидан жағай десем –
Чағиб алди замбири.

- Шо накастиң вочағиға,
Пиширей десем ашти.
Қирғинининң воти келип –
Вўңириме тармашти.

- Мали-ҳали вўзидей боп,
Биз байқушти талаған.
Вўзи шайтанға дарс берип –
Жилан жаву жалаған.

- Наннариям аллетавур,
Унлариям мители.

Вўзидеем қишин-жазин –
Бардир калте жўтели.

- Мына хатин кўйлек учун,
Юз долларди тўледи.
Бир айда бир гап войинға
Вон долларға вўледи.

- Анавсида тумшуқ балент,
Рассияда уллари.
Жейиш, кийиш зор, гап дадил –
Кўбейгенда пуллари.

- Кунде базар қаннап, бекар –
Савурғинча пулларди.
Жалт-жулт киймей, вўлемекен
Уйлентирсе улларди.

- Мынавсиям тинмай қалди,
Ҳар айда бир қидирип.
Тапқан пулин жолға сарфлер
Тўгерегин кулдирип.

- Ана хатин қудағийға,
Қош табахлап тўгеди.
Бизгеем бир аш қил десек –
Малал болип сўгеди.

- Анавсиям вўзи учун,
Пул сарфлейди дастелеп.
Тадбирлерге пул жийишқа

Қошилмайди – бетареф.

- Чақирсағам-чақирмасақ,
Тодайлашип келеди.
Бепарасат қури-келип –
Бир кулчеге вўледи.

- Ана хатин ери минен,
Тал тушкечей жатади.
Хамирларини ачитип
Шамғачей гап сатади.

- Мынавсиям қизи учун,
Бахмал кўрпе пичеди.
Тамағиға, чай самастан –
Қайнақ сувди ичеди.

- Бир қазан аш ниме деген,
Қимайди шони еплеп.
Мейман кесе чақирмайди
Биз байқушларди еслеп.

- Айтмасаям басип барип,
Палавини урамиз.
Ахшам жатип, пешиннен соң
Жайимиздан турамиз.

Ериниңем тили узун,
Бар шумлихти биледи.
Баримизди восал қилип
Устимизден куледи.

Пул бер десең ҳаммесиниң
Қайнап журек зардеси.
Вужудини вораб алар
Қаттилихтиң пардеси.

- Анавсиниң баласиям,
Аш-авқатқа тоймайди.
Кўзи войнап, дастарханди
Бошатмаса қоймайди.

- Ана қизам ерте турип,
Ҳавлини шипирмайди.
Айнаси раса уйхучил,
Чашкегечей турмайди.

- Мынавсиниң баласиям,
Енесиге тайяр дум.
Теңқурларини туртеди
Енесиге вохшап шум.

- Анавиниң қизи ерке,
Ули беep, даңгесе.
Укелерини дохлайди
Енеси ишле, десе.

- Ана мештиң балалари,
Енесиниң тус вўзи.
Пулди кўрсе миң метрден
Лавуллап жанар кўзи.

- Эй аяллар, бизлер майли,
Парзентлерди қойиңар.
Шо жашларға ташлар атмай
Бар вўшеке тойиңар.

Гирдлеринде ким бомаса,
Ғийбат қилип ағинча.
Саксен гўрге салип, алип,
Яна қайтип сағинча.

Товба деңер, товбаниям,
Худа суйген айтади.
Вўшек қойув боған жерден
Бар барекет қайтади.

Худайжани гуруңлер кўп,
Яхши гаптен башлаңар.
Бекарлихтан зериксеңер
Тандир салип ташлаңар.

Шу тандирға кулче жавуп,
Елден дувалар алип.
Ахиретте азиқ учун
Аған дувани салип.

Маҳшар кунде шу дувалар,
Жаннетлерге жоллайди.
Периштелер гуваҳ боса
Жаратқанам қоллайди.

Вўшеклерге иргешкенлер,

Арасатта қалади.
Ахиретте зулметлерден
Вўз жайини алади.

Яхшилиғам, жаманлиғам –
Во бунйеде ҳисапта.
Вўшек сўзди гапиргенем
Ешитгенем аззапта.

Мен язған бу гап-гуруңлер,
Вўшеклерге жирмейди.
Шуйтип аччи гапирмесем
Қулахларға кирмейди.

Мақседимиз – ҳар давреде,
Ақил, дана баш босин.
Панд-насаҳат, амру-маъруф –
Гўшли, тўшли аш босин.

Яхши габу, яхши суҳбет,
Яхшиларға жолдашдир.
Яхшилардиң давресиге –
Фақат даналар башдир.

Жаманнарда журек тола,
Ғийбат, вўшек, гумандир.
Хасиетсиз даврелерде –
Жилавбаши шайтандир.

Шайтанға ҳай берип, дилде
Яхшилихлар жай босин.

Ҳикмет айтқан, ҳикмет тавуп
Абийирли бай босин.

Кўңли вўсип, бай боп елдиң –
Мукаммал боп имани.
Жолиң ақ боп, заман болар -
Яхшилардиң замани.

* * *

Меннен малал бомаңизлар,
Қарғап ҳар бир гап-гаштек.
Сизлер айтқан миң вўшеке
Енди яздим бир вўшек…
2007 йил, ноябрь.

## *БОЙДАХТИҢ ГИЛАСИ*

Ат дегидей атим жӧқ,
Минген атим тайғана.
Ҳали бизге хатин жӧқ,
Суйген қизим айғана.
Тузувгене уйим жоқ,
Далан-дурун жайғана.
Мали-дунйем жӧх деген,
Атамизам байғана.
1995 йил, апрель.

## *ЖЕТИМЛИКТИҢ ЖАМАНИ*

Ешитмеген сўз жетим,

Киймей тӧзған бӯз жетим.
Егин вӯсмес жер жетим,
Елиден безген ер жетим.
Дайраси жӧқ сел жетим,
Беклери жӧқ ел жетим.
Балиғи жӧқ кӯл жетим,
Дуваси жӧқ қӧл жетим,
Қаригенде жӧлдашидан айрилса,
Бариденем шӧл жетим.

2004 йил, ноябрь.

## *ДОМБИРАМАН АЙТИШУВ*

Ҳайванаттиң биреви,
Байтал бӧлар.
Тар пейилде насибеӊ
Қайтар бӧлар.

Ҳайванаттиң биреви,
Ечки бӧлар.
Кеч уйленсе тӯлием
Кечки бӧлар.

Ҳайванаттиң биреви,
Қӧй бӧлади.
Кеӊ пейилли ҳавлиде
Тӧй бӧлади.

Ҳайванаттиң биреви,
Сийир бӧлар.
Жавли жерге ағайин.

Уюр бўлар.

Ҳайванаттиң биреви,
Тай бўлади.
Суйгениңди суйдирсең
Ай бўлади.

Ҳайванаттиң биреви
Ат бўлади.
Сийлашмаған ағайин
Ят бўлади.

Ҳайванаттиң биреви,
Тана бўлар.
Авур кунде ағайин
Пана бўлар.

Ҳайванаттиң биреви,
Қўшқар бўлар.
Палвани кўп еллерем
Ашқар бўлар.

Ҳайванаттиң биреви,
Кийик бўлар.
Беклери кўп еллерем
Буюк бўлар.

Ҳайванаттиң биреви,
Қўзи бўлар.
Кўпти кўрген дананиң
Сўзи бўлар.

Кўпти кўрген дананинг,
Сўзи вўрел.
Жулдузларди кўзлеген
Кўзи вўрел.
Тафтиде нан пишувчи
Жузи вўрел.
Елди деген, ел деген
Вўзи вўрел.

2002 йил, август.

## ***ДОМБУРАМ***

*(Сумбула Алматовани тинглаб)*

«Домбурам сени ким жонди,
Башиңа булбул қонди.
Сени жонған устаниң –
Бармағидан бал тамди».

«Зареңлердиң астидан,
Зариллаб аған домбурам».[6]
Зардалиниң постидан –
Парлаб аған домбурам.

«Пистелердиң астидан,
Пичиб аған домбурам».
Жийделердиң шахидан –
Чечиб аған домбурам.

[6] Қўштирноқ ичидаги мисралар деярли барча соқилар репертуарларининг муқаддимасида учрайди.

Жаңғақлардиң астидан,
Жийиб аған домбурам.
Шапталиниң шахидан –
Ийиб аған домбурам.

Чинарлардиң чатидан,
Сайлаб аған домбурам.
Тупек қип яр чачидан –
Байлаб аған домбурам.

Айлаб ишлеп теңгелер,
Териб аған домбурам.
Ат бағип аппақ тулпар –
Бериб аған домбурам.

«Сўйле домбурам тар минан»,
Тупегиң байлай зар минан.
Елимиз бизди қолласин –
Намус минан, ар минан.

Тилла тупек сайланар,
Сайлап бойниңа байланар.
Куйле домбурам воянсин –
Ухлаб жатқан айналар.

Куйлегин чил-чил босин,
Таш журеклер сапали.
Соң елдием войлатсин –
Истеъдодлар вобали.

Кулаятир бизге ай,

Кўпху деп елиңде бай.
Намусидан кишнеди –
Қотанда Лақайи тай.

Домбурам бугун сен жолдаш,
Керекме бизди қоллаш?!
Бизди Худа қоллайди –
Ҳич бомасин журек ғаш.

Куйле домбурам нечелер,
Ҳам кундуз, ҳам кечелер.
Нағмаларға жор босин –
Алчаңнаған чечелер.

Давремизде войнасин,
Ҳам жигит, ҳам парилер.
Бизге Худайчи босин –
Ҳам жашу, ҳам қарилер!
2008 йил, 11 февраль.

## *ВЎЗИМДИКИ ВЎЗ ЕКЕН*

Биревдиң палавидан,
Қазанда жавум тайин.
Бегананиң қиридан
Вўзимниң тавум тайин.
Миннети кўп жилувдан,
Вўчахта вўтин тайин.
Базардағи сулувдан
Уйдеги хатин тайин.
2000 йил, декабрь.

## *ДАНГЕСЕ*

*(ҳазил)*

Иш десеңер бабайман,
Тинч жайимнан бежайман.
Тўшеке киргеннен сөң -
Мен бөзбала, лақайман.

Ишлей десем балтам жөқ,
Тиленгели халтам жөқ.
Пул сөрама хатинжан –
Сағиремен – атам жөқ.

Ишлесем арқам жавур,
Кандик тепсем – белавур.
Ешшек жилдирай десем –
Кўңнимем алле тавур.

Иш деме бөш паллем жөқ,
Ешшегиме халлем жөқ.
Вөраза туталмайман
Таребиге саллем жөқ.

Таҳретке уйим шаппет,
Ҳамсаяман бетме-бет.
Ахшами чиғай десем –
Қурғур ийтим беҳужжет.

Намашамнан башимда,
Шерик жегич ашимда.

Қара пишектен қӧрқип
Таң атқинча қашимда.

Шамаллаш вўз хӧшимда,
Тағара жамбашимда.
Шамнан сӧң ажине кўп
Вўлмейин шу жашимда.

Хатин вўзиң барсан саз,
Ажинеге вўзиң бас.
Инсу-жинсу, париниң –
Бариге вўзиң устаз.

Вўзиң жанима қалқан,
Авзума салип талқан.
Гилемде ухлап қасам –
Кўтерип ап жатқизған.

Жаталмайман ҳавлиде,
Кең супаниң лебиде.
Уйде жатай жаздаям –
Димихсамам майлиге.

Хатиним каш-кашлейди,
Кең супаға башлайди.
Уйде жатайиқ десем –
Меш қарнима мушлайди.

Табистанда таң узақ,
Тўрт тарефимем тузақ.
Қӧрқип вӧртада жатип

Қара кунди қилип ақ.

Учуқа тӧлиб лебим,
Зап зирқирайди белим.
Кузек бӧп кирсек уйге
Жетмесиден ажелим…

2007 йил, июль.

## *ТОЙДАН ТОПИҚЧАЛАР*

Тӧй қиламан ат қӧшқин,
Душман кўрер зат қӧшқин.
Қӧтир ечкиң мал емес
Ҳич бӧмаса тай қӧшқин.
* * *
Тӧйда тиллер тийилсин,
Бӧйлар жерге ийилсин.
Тӧй жеп кулген тӧйчиниң
Еки кўзи вӧйилсин.
* * *
Вӧяқ, бу яқ қӧшхана,
Дастарханнар бӧшқана.
Қудағийлар қарниям
Қӧш қабатли ашхана.
* * *
Қӧшханада тӧй бергин,
Сӧйиш учун қӧй бергин.
Қӧй бермесең, тӧйчиға
Тӧйханадан жай бергин.
* * *
Мейман барса аш қӧйғин,

Қөш қөлини бөш қөйғин.
Аш қимасаң атқали
Панжесиге таш қөйғин.
* * *
Мейман бөса жим бөсин,
Чирайли гуруң бөсин.
Вўшегу-ғийбет қиғич
Шум мейманнар гум бөсин.
* * *
Мейман кесе хөш дегин,
Уйдиң тўри бөш дегин.
Хөжаи Хизир ҳисаплеп
Мейман келди аш, дегин.
* * *
Меним қадрим пул екен,
Сениң қадриң пул екен.
Дөслиқ, хишлиқ, жигарлик
Шу пулларға қул екен.

1999 йил, апрель.

## *ҚУДАҒИЙДИҢ ҲАСРЕТЛЕРИ*

Кеген едик жөл жирип,
Бөхчаларди төлдирип.
Барисиге қөш сарпай
Қадесини мөл қилип.
Алти қатар жук минен
Бөмағанди бөлдирип.
Қудағийи қурисин
Сийламади төйдирип.
Сарпайиям нимкале

Кўзимизди вўйдирип.
Уйимизге жўнетди
Чаймен, аштан вўлтирип.

* * *

Булкиллеген авқатиңиз ҳич пишмеди,
Қудағий боп байқуш қарним ҳич шишмеди,
Янга кеп гўш чайнамаған тиш-тишмеди,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Вочахдағи қазаниңиз қайнамади,
Катте тойда журек азип, жайнамади,
Тамақ тушип, гапиргидей гап қамади,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Дамленген аш дамлеп қалди, бузилмади,
Пишкен авқат лагеннерде сузилмеди,
Шу қазаннан ҳич умидим узилмеди,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Қуда ширбаз сойди, тойип гўш жемедим,
Қудағийға вохшап жав жеп какирмедим,
Сизди кўрип, дунйегеем қол сермедим,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Қуда деген уйде турмас - даш адами,
Аял қазанниң егеси – баш адами,
Бир хиллари дўлте, кўңни таш адами,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Қудағийлар алти қабат сарпай киер,
Қуда болип, бир-бирини қоллап суер,

Биз байқушқа шир-ширлаған тетрон тиер,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Келин аған қоли ачиқ, март болади,
Тойға қиған кўп давлеттен гарт болади,
Бир хил янга ҳапта жатип дарт болади,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Кўйлек-лата кўңиллерди жаралайди,
Дос-душманнар сизди сўгип, қаралайди,
Ҳар бир тойда шайтан аңнип маралайди,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Елге қараң – лаген-лаген гўш қояди,
Қудағийға калле, пачче тўш қояди,
Бир хиллари шакереппен кўз вояди,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!

Булкиллеген авқатиңиз ҳич пишмеди,
Қудағий боп байқуш қарним ҳич шишмеди,
Янга кеп гўш чайнамаған тиш-тишмеди,
Қаттилиғиңиз бар босин, қудағийжан!
1998 йил, март.

## *ЖАРАТҚАН ЕГЕМ!*

Чумалиниң меҳнетини бер,
Ҳатем Тайдиң давлетини бер.
Марттиң қўлини бер,
Жийрен аттиң жўлини бер.
Арсланниң арини бер,

Қирли тавдиң қарини бер.
Алпӧмиш билегини бер,
Лачинниң журегини бер,
Елимниң тилегини бер.
Сӧң:
Кең бахтиң сўлимини бер,
Бургуттиң вўлимини бер![7]
2005 йил, июль.

* * *

Учаятқан ақ каптер,
Бас қилай, тӧлди даптер.
Жаратқан парвердигер
Ҳаммемизге инсаф бер!

[7] Бургут орият тимсоли сифатида қариб ожиз ҳолатга келганида ўзининг бу ҳолатига ўзгалар нигоҳи тушмаслиги учун юксак чўққили қояларни ихтиёр этиб, ўша ерда фано йўлини танлайди.

Насриддин Лақай (Назаров) – 1962 йилнинг 16-июлида Тожикистон Республикасининг Вахш туманида туғилган. Сиёсий фанлар доктори (2005 й.). Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий дизайн институти профессори (2006 й.).

«Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар» (Тошкент, 2004. 7,0 б.т.); «Мустақиллик шароитида этноижтимоий жараёнлар» (Тошкент, 2005. 7,3 б.т.) монографияларининг, тўртта рисола, ўнга яқин ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Муаллифнинг «Лақайлар: баъзи сўзлар ва ибораларнинг диалектологик мазмуни» (Тошкент, 2005. 13 б.т.); «Муҳаммад Иброҳимбек Лақай» (Тошкент: IFEAC, (Рабочие документы ИФЕАК, №20) 2006. 21 б.т.); «Муҳаммад Иброҳимбек Лақай» (Тўлдирилган иккинчи нашри) Т: IFEAC, (Рабочие документы ИФЕАК, №24. 2007. 21,5 б.т.); «Лақайлар этнографияси» (Тошкент, 2007. 5,5 б.т.); «Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор» (Тошкент, 2007. 18,0 б.т.) илмий асарлари нашр этилган.

«Онажоним Лақайим» китоби муаллифнинг дастлабки шеърий тўпламидир.